



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЎЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ

Мусаева Насиба Абдурахмоновнанинг

*“5310200 “Психология” таълим йўналиши бўйича бакалавр
даражасини олиш учун*

*“Тарбияси қийин ўсмирлар билан ишлашнинг педагогик-
психологик хусусиятлари” мавзусида ёзган*

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: ўқ.Н.Исмоилов

“Ҳимояга тавсия этилди”

Педагогика – психология факультет

декани _____ доц.Ш.Нуриллаева

“ _____ ” _____ 2014 йил

Қарши - 2014

Мундарижа

Кириш.....	3
I БОБ. Тарбияси қийин ўсмирлар муаммосининг назарий таҳлили.....	6
1.1.Тарбияси қийин ўсмирлар муаммосининг психология фанида ўрганилиши.....	6
1.2. Тарбияси қийин ўсмирларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	20
II БОБ. Тарбияси қийин ўсмирлар билан ишлашнинг педагогик-психологик хусусиятлари.....	32
2.1. Тарбияси қийин ўсмирлар психологик хусусиятларини амалий ўрганиш.....	32
2.2. Тарбияси қийин ўсмирлар билан ишлашнинг психологик хусусиятлари.....	43
Хулоса ва тавсиялар.....	53
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	58

КИРИШ

Психология фанида тарбияси қийин ўсмирлар билан ишлаш ўтган даврларда ҳам муаммоларга бой бўлган ва ҳозирги кунда бу муаммоларнинг барчасига ечим топилганича йўқ. Бугунги кунгача тарбияси қийин ўсмирларнинг хусусиятлари уларни бартараф этиш усуллари ўрганиб келинмоқда. Лекин, масаланинг бошқа томони ҳам бор: тарбияси қийин ўсмирлар билан ишловчи ходимларнинг хусусиятлари қандай бўлиши керак ва тарбияси оғир ўсмирлар билан ишлаш давомида уларнинг руҳиятидаги ўзгаришлар натижасида келиб чиқадиган муаммоларни қандай усуллар билан бартараф этиш ҳақида ҳам фикр юритиш лозим бўлади. Биз битирув малакавий иши мавзийимиз бўйича тарбияси қийин ўсмирлар муаммосига оид адабиётларни ўрганиб, таҳлил қиламиз ва юқорида айтиб ўтилган муаммолар юзасидан ўз фикр ва мулохазаларимизни билдирамиз.

Энг муҳими Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини қўлга киритгач Президентимиз И.Каримовнинг ўсиб келаётган авлодга эътибори, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга ошириш соҳасидаги сиёсати айнан шундай моҳиятга эгадир. Президентимиз И.Каримов таъкидланганларидек “Кадрларни пухтароқ қилиб тайёрламасдан, уларнинг кадрига етмасдан, уларга ишонмасдан ва қўллаб қувватламасдан ўйлайманки бирор бир соҳада аҳволни ҳеч қанақа тарзда ўзгартириб бўлмайди.”¹

Жорий йилнинг 19- февралида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ Соғлом бола йили” “ Давлат дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

¹И.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.Тошкент.Ўзбекистон 2000 й.247 бет

Психологик нуқтаи назардан ушбу мавзу теварагида психолог олимларимиздан В.Каримова, Г.Қ.Тўлаганова, М.В. Халимова, Ф .Б. Шоумаров ҳамда Э.Ғ.Ғозиевларнинг тадқиқой ишларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Бу масалада педагог олимларимиздан Ҳ.Абдукаримов, Х.Иброгимов, Н.Темиров, М. Қуроноф ва бошқалар изланиш олиб боришмоқда. Аммо вояга етмаганлар назоратсизлиги ва қаровсизлигининг олдини олишда узлуксиз таълим муассасалари, оила ҳамда маҳалланинг ўрнини психологик жиҳатдан ўрганишда муайян бўшлиқлар кўзга ташланиб келмоқда.

Соҳа мутахассислари ҳамда талаба-ёшлар соғлом бола тарбиясида психологик-педагогик ва бошқа қатор омилларининг моҳиятини билиши учун тарбия, ўз-ўзини тарбиялаш, қайта тарбия ҳамда тарбия ишининг мукамал амалга татбиқ этишда узлуксиз таълим муассасалари, оила ҳамда маҳалланинг узвий ҳамкорлиги таъмин этилган бўлиши зарур. Айнан ушбу муаммонинг ечимларини топиш биз томондан кўтарилган мавзунинг долзарблигини ташкил этади.

Танланган битирув иш мавзуимиз худди мана шунинг учун ҳам долзарбдир.

Битирув малакавий ишининг мақсади: Тарбияси қийин ўсмирлар билан ишлашнинг психологик хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг асосий вазифалари:

- тарбияси қийин ўсмирлар билан ишловчи ходимларнинг психологик хусусиятларини ўрганиш.
- тарбияси қийин ўсмирлар билан ишлашда қандай метод ёки усуллардан фойдаланиш самарали эканлигини ўрганиш.
- тарбияси қийин ўсмирлар билан ишлайдиган ходимларнинг руҳиятидаги ўзгаришларни аниқлаш.

- тарбияси қийин ўсмирлар билан ишловчи ходимларнинг руҳиятидаги ўзгаришларни релаксация қилишнинг самарали усулларини аниқлаш.

Битирув малакавий ишининг объекти: тарбияси қийин ўсмирлар билан ишловчилар – вояга етмаган ўсмир назорати ва ҳуқуқий профилактик гуруҳлари. Ўқитувчилар, меҳрибонлик уйи тарбиячилари, тарбияси қийин ўсмирларнинг ота-оналари.

Битирув малакавий ишининг предмети. Тарбияси қийин ўсмирлар билан ишловчи ходимларнинг иш фаолияти ва уларнинг психологик хусусиятлари.

Битирув малакавий ишининг аҳамияти. Турли манбалардан олинган маълумотлар бир тизимга келтирилган. Онтогениз психологияси, педагогик-психология ва шахс психологияси фанларида маъруза сифатида фойдаланиш мумкин. Тарбияси қийин ўсмирлар билан ишловчи ходимлар ва шу соҳага қизиқувчилар учун услубий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг ҳажми.

I-БОБ. Тарбияси қийин ўсмирлар муаммосининг назарий таҳлили

1.1.Тарбияси қийин ўсмирлар муаммосининг психология фанида ўрганилиши

Ёшлар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларининг мувоффақияти – уларнинг ёш ва психологик хусусиятларини билиш ҳамда ҳисобга олишга боғлиқдир. Бу ҳолат бурилиш ҳисобланган ўсмирлик даврининг алоҳида хусусияти бўлиб, у кўпроқ шу даврга тааллиқлудир. Ўсмирлик даврини ўтиш даври деб юритадилар, чунки ана шу даврда болалиқдан катталиққа ҳолатига ўзига хос ўтиш даври юзага келади. У психик жараёнларнинг ўқувчи фаолиятларнинг жиддий равишда қайта қурилиши билан боғлиқдир. Шунинг учун ўсмирлик ёши ўзаро муносабат шаклларида фаолиятини ташкил қилишда қатъий ўзгаришларни талаб қилади. Ўсмирларга таълим-тарбия бериш ишларида гоҳо учрайдиган қийинчиликлар бу ёшдаги болаларнинг психик ривожланиш қонуниятларини ва хусусиятларини баъзан етарли даражада билмаслик ёки инкор қилиш натижасида пайдо бўлади. Бу давр тарбия учун анча қийин давр ҳисобланади. Чунки боланинг катта одамга айланиш жараёнининг ўзи қийин, бу жараён психиканинг, одамлар билан бўлган муносабат шакллариининг жиддий равишда қайта ўзгариши ҳамда ҳаёт шароити ва фаолиятининг ўзгариши билан боғлиқдир.

Агар боланинг болалиқ чоғида унга одоб – ахлоқ ўргатишни эски шакл ва усулларида фойдаланилган бўлса, энди улар бола учун яроқсиз бўлиб қолади. Аввал болалар ота-оналари, тарбиячиларининг одоб-ахлоқ ҳақидаги гапларини бажонидил эшитган бўлсалар, эндиликда бундай таъсир болани зериктиради ва ёқмай қолади. Натижада унда катталарнинг фикрларига қарши чиқиш ва рад этиш

каби хислатлари пайдо бўла бошлайди. Булар эса бу даврнинг “қийин”, “мураккаб” давр бўлишига сабаб бўлади.

Ўсмирларга таълим – тарбия беришдаги қийинчиликлар шундан иборатки, бунда ўсмир билан бўладиган муносабатларда унинг ҳаёти ва фаолиятини назорат қилиш шакллари ўзгартириши муҳимдир. Уларга таъсир қилишнинг қандайдир янги усуллари ва воситаларини топиш лозим бўлади. Бунда албатта, ҳар бир ёш билан алоҳида муносабатда бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Ўсмирларнинг психик тараққиётини ҳаракатга келтирувчи кучлар, уларнинг фаолиятлари туғдирган янги эҳтиёжлар билан бу эҳтиёжларни қондириш имкониятлари ўртасидаги қарама – қаршиликларнинг юзага келиши ва бартараф қилинишидан иборатдир. Бу қарама- қаршиликлар ўсмирларнинг ортиб бораётган жисмоний, интеллектуал ва ахлоқий имкониятлари билан уларнинг эски, илгари таркиб топмаган олам билан ўзаро муносабат шакллари, улар фаолиятининг эски қарама- қаршиликлар, жамият, катталар ва жамоа томонидан ўсмирга нисбатан ортиб бораётган талаблар билан ўсмирлар реал хатти- ҳаркатларининг шакллари ўртасидаги қарама-қаршиликлардир. Бу қарама-қаршиликлар анча юксак даражадаги психик тараққиётни, анча мураккаб шаклдаги фаолият турларини ва шаклнинг қатор янги психологик сифатларини таркиб топтириш орқали бартараф қилинади. Бунинг натижасида ўсмирнинг психик тараққиётининг янада юксакроқ босқичга ўтиши амалга оширилади. Вақт ўтиши билан ўсмирнинг ҳаётида биологик ва ижтимоий ўзгаришлар пайдо бўлади. Ўсмир ёшидаги биологик, яъни жисмоний тараққиётнинг энг муҳим факти жимоний етилиш, яъни жинсий безларнинг ишлай бошлашидир. натижади кўпчилик ўғил болалар 15-16 ёшда, қиз болалар 13-14 ёшда болоғатга етадилар. бола вояга етиши ўсмирларда ўзига хос

психологик ҳолатни вужудга келтиради, яъни кишиларнинг ички дунёсига, уларнинг ўзаро муносабатларига қизиқиши, уларни ҳис этиши ва ҳали тасаввур қилинадиган севгига эҳтиёж пайдо бўла бошлайди. Бу эса шу даврга хос бўлган “қийинчилик”ларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Бу қийинчиликлар айниқса ўша ёшдаги болаларга ғоявий – сиёсий тарбия бериш ва уларга тўғри педагогик муомала бўлмаган тақдирда кескинлашиб кетиши мумкин.

Бу даврни чет эл психологиясида “кризис” даври деб ҳам тарифлайдилар. Ўсмирларнинг бундай ўзига хос хусусиятини ижтимоий – тарихий ҳаёт шароитидан ажратиб туриши мумкин эмас. Интизомсизлик, ахлоқсизлик ҳукм сурган буржуа мамлактларида ҳақиқатдан ҳам ўсмирларнинг жинсий балоғатга етиши, турли ахлоқсизликларга олиб келиши мумкин.

Ўсмир шахсининг шаклланиши қийин психологик жараёнدير. Бу тузлиш ўсмир эҳтиёжларининг йўналганлиги билан унинг эмоционал-иродавий хусусиятларига боғлиқдир. Хулқ ўзгаришлари ўсмирнинг қизиқишлари йўқолиб, эҳтиёжлари камайганда, олдин уни қизиқтирадиган нарсага бефарқ бўлиб қолганда, мақсадлари йўқолганда ўз хулқ-атворини бошқара олмаганда, ўзининг имкондашарини адекват баҳолай билмаганда юзага келади.

Тарбияси «қийин»лик ва у билан боғлиқ хулқ бузилишларининг вужудга келиш жараёни: маданий (М. Мид, Э. Фромм), иқтисодий (Г. Кайзер, Б. Холист, Г. Шнайдер), ижтимоий (С Д Арзуманян, Н.П. Дубинин, В.Н. Кудрявцев, J.D. Douglas, F. Waksler), саломатлик (М.И.Б уянов, П.Б. Ганушкин, А.И. Захаров, И. И. Ковалев, З.Ф. Камалетдинова, В.Т. Кондрашенко, Е.Р. Калитеевская, А.Е. Личко), ижтимоий-психологик (М.А. Алемаскин, С.А. Беличева, Л.И. Божович, Г.Г. Бочкарева, А.И. Долгова, Я.Л. Коломинский, В.М. Каримов, М.Н.

Овчинникова, Н.В. Морозова, Т.В. Сенко, Д.И. Фельдштейн, Э.Ф. Фозиев), педагогик (А.С. Белкин, Н.Н. Верцинская, Л.С. Виготский, М.Г. Давлетшин, Э. Натанзон, И.А. Невский, А.И. Островский, А.Е. Тарас) каби кенг қамровли таъсирлар оқибати эканлиги аниқланган. Шунингдек, бир қатор психологлар (М.А. Алемаскин, Н.В. Жутикова, Л.М. Зюбин, И.С. Кон, И.А. Фурманов) салбий хулқ сабабларини таҳлил қилар эканлар, унинг олдини олиш ва тарбиявий чора-тадбирларни ташкил қилишда психологик омилларнинг аҳамиятига муҳим ўрин берадилар.

Муаммонинг назарий таҳлили кўрсатишича, қайд этилган хулқ бузилишларининг асосини ижтимоий ва психологик дезадаптацияга олиб келувчи «оғиш»лар ташкил этади. Бу биринчидан, ўсмир шахсининг мотивацион, эмоционал, иродавий ва ахлоқий жабҳаларидаги ўзгаришлар (Г.Г. Бочкарева, Б.С. Братусь, В.В. Лебединский, Л.С. Славина, А.С. Спиваковская); иккинчидан, ногармолик оилаий тарбия (А.А. Аладьин, П.Ф. Лестгафт, А.Е. Личко, Я.А. Лупь-яп, Э.Г. Эйдемиллер, В.В. Юстицкий) эканлиги ўз исботини топди. Ҳозирги замонда турли ёш даирларига хос хулқ бузилишларининг психопрофилактикаси ва коррекцияси хусусилаги масалага ойдинлик киритишга эътибор ҳаддан зиёд ортган. Буларга: а) шахсиятлилик тизим ўзгаришларининг (В.Т. Кондрашенко, К. Леонгард, А.Е. Личко, И.А. Фурманов), б) ривожланишдаги функционал оғишларнинг (Л.С. Виготский, Г.Т. Запругаев) коррекциясига бағишланган изланишларни келтириб ўтиш мумкин.

Замонавий психология фанида ушбу муаммога бағишланган психоаналитик (З. Фрейд), фрустрион (J. Dollard ва бошқалар), ҳамда бихевиористик (А. Bandura, L. Berkowitz) тадқиқотларнинг ўрни ҳам салмоқлидир. Аммо, бизнингча, тарбияси «қийин» ўсмирларнинг

патологик хулқ механизмлари, мазкур «кийин»лик таснифига асосланган типологиянинг моделини яратиш долзарб муаммолигича қолмоқда.

Ўсмирлик ёшининг классик тадқиқотига назар солсак унда турли хил назариялар, фаразлар ва фундаментал изланишлар борлигининг гувоҳи бўламиз. Ўсмирлик ёшига хос ёрқин психологик концепсиялардан бири XX-асрнинг бошларида Л.С.Виготский (1930) томонидан яратилган маданий-тарихий назария бўлиб, унда мазкур ёш симптоматикаси ўсмир психологиясидаги барқарор ва тарихий ўзгарувчанлик, унинг феноменларига оид илмий концепсияларнинг интерпретацияси берилган.

Л.С.Виготский ўтиш даврига хос қизиқишлар муаммосини атрофлича ўрганиб буни “Ўсмирнинг психологик ривожланишидаги муаммоларни ҳал қилишнинг ягона калитидир” – деб изоҳлайди. Ўсмирлик ёши эски қизиқишларнинг бузилиши ва йўқолиши ҳамда янги биологик асосга эга янги қизиқишларнинг вужудга келиши даври ҳисобланиб унда бир неча ёрқин қизиқишлар мавжуд бўлиб, уларни доминант қизиқишлар деб атади. Улар: эгосентрик, яъни ўз шахсига қизиқиш, келажагига қизиқиш, яъни бугунги куни эмас балки узоқни кўра билишга қаратилган установка; зўр бериш (ҳаракат), яъни қайсарликка асосланган иродавий зўриқиш, тарбия усулларига қаршилик кўрсатишдан иборат салбий ҳаракатлар, ҳаёлпарастлик, яъни ўсмирнинг саргузаштларга бой, турли қаҳрамонликлар кўрсатишга интилишлари билан боғлиқ таваккалчилигидан иборат.

Л.С.Виготский ҳам ўсмирлик давридаги тафаккур ривожланиши тушунчаларини ўзлаштириш асосига кетишини ва ўсмир тафаккури субъектив шаклга эга бўлиб, ўзгалардан “Сир” тутиладиган интим жабҳаларга қаратилишини ҳамда ўсмир шахсининг ички ўзгаришларини

камраб олувчи рефлексия ривожланиши , яъни ўзлигини англашдек янгиланишлар рўй беришини қайд этади. Ушбу психологик янгиланишлар ўсмирнинг мотивацион тизимида маълум салбий реакциялар кўзғатиб ички ва ташқи низоларни келтириб чиқаради ҳамда тарбияси қийинлик кўрсатгичига айланади. Жумладан,

- ўсмир шахсидаги асосий янгиланишлардан бири “Катталик ҳисси” (Т.В.Драгунова 1961й) ўсмирнинг ўзи ҳақида “энди кичкина эмасман” тасаввурининг шаклланишига сабаб бўлиб, унинг қондирилмаслиги атрофдаги катталар билан турли низоларнинг туғилишига турткидир.

- ўсмир шахси янгиланишларидан яна бири, ўсмир фаолияти ва хулқини аниқловчи, ўзини-ўзи баҳолаш эҳтиёжи (Е.И.Савонька 1972й) бўлиб, унинг қондирилмаслиги ўсмир ўқитувчи муносабатлари доирасида “маънавий тўсиқ” (Л.С.Славина 1969 й) вужудга келишини таъминлайди, муайян ноадикватлик аффектини кучайтиради.

- ўсмир шахсининг йўналганлик белгиси сифатида унинг мотивацион – эҳтиёж доирасидаги барқарор эҳтиёж ва матовларнинг мустаҳкамланиши ҳисобланади. Унинг етарли даражада доминантликка ўсиб ўтмаслига баъзан ахлоқий хулқ мотивларининг шаклланмаслигига олиб келади (Г.Г.Бочкарева1972).

- ўсмирнинг жамоада (синфда, оилада ва ҳ.к) ўзининг аниқ ўрнига эга бўлишга интилиши ҳам мазкур ёш янгиланишларидан бири бўлиб, унинг қондирилмаслиги (Д.И.Фельдштей, О.В.Лишин 1991) ўсмирда “мен ва гуруҳ” муносабатларидан “кўча” микромуҳитини танлаш имконияти учун замин яратади ва ўқишдаги, синф жамоасидаги, реал ҳаётдаги барча мувоффақиятсизликлар ўрнини қопловчи “улфатлар гуриҳи”нинг аъзосига айлантиради ва унда янгича фаолият бошланади.

Тарбияси қийин ўсмирларни тарбиялашда улар билан индивидуал муносабатда бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Ўсмир билан индивидуал

муносабатда бўлишда ҳар бир ёшни индивидуаллигининг физиологик асосини ва унинг шахси ҳақида маълум даражада маълумот берувчи олий нерв фаолияти типлари ҳақидаги И.П.Павлов таълимотини билиш ўқитувчиларга ёрдам беради.

1. Нерв системасининг кучи нерв хужайраларидаги моддаларнинг запас миқдори билан белгиланади. Кучли типдаги асаб тизимида бундай запас кўп миқдорда бўлиб, кучсиз типда оздир. Асаб тизимининг кучли қўзғалиши жараёнига, шунингдек тормозланиш қобилиятига акс таъсир этади.

2. Асаб тизимининг кучи тамойилига мувофиқ кучли типга сангвиниклар, флегматиклар, кучсиз типига эса, меланхоликлар киради.

3. Асаб тизимининг илдамлиги мия пўстининг тормизланиши билан ёки аксинча тормозланишнинг қўзғалиши билан нақадар енгил алмашинувидан иборат.

Ўқитувчилар ўқувчилар асаб тизимининг пелластик хусусиятига эга эканлигини, унинг ҳар қандай таъсирларига берилувчанлигини назарда тутиб, ўқувчилар шахсидаги салбий хислатларни йўқотиш мумкинлигига катта ишонч ҳосил қилиши керак. Бу ўринда ёшларнинг ғоявий масалаларини ҳисобга олиш ҳам ниҳоятда муҳимдир. Ўқувчи индивидуаллигини шахс мазмунига, яъни унинг қизиқишлари, идеалларини билиши керак. Ёшларда индивидуал муносабатда бўлишда ижтимоий маслак сифатида уларнинг ижтимоий қизиқишларини билиш айниқса муҳим.

Ўсмирларни эмоционал иродавий хусусиятларини билиш ҳам уларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Ўсмир билан индивидуал муносабатда бўлишда унинг қанчалик тинч, мўминли ёки эмоционаллиги, ҳиссиётга берилувчанлиги, яъни теварак атрофдагилардан фарқ этиш ёки фарқ этмаслигини, аффеқтга мойил ёки

мойил эмаслигини, ўз ҳиссиётини тута олиш-олмаслигини ва шунингдек, унда қандай ҳислар устун эканлигини билиш жуда муҳимдир.

Ўсмирларнинг ахлоқий ҳислатини ҳисобга олиш ҳам муҳим. Чунки, ўсмирларнинг ғоявий маслағи унинг ахлоқий ҳислатида кўринади. Аммо, баъзан ахлоқий маслак билан ўсмирларнинг хулқи тўлиқ равишда муносиб келмай қолади. Катталар ҳар бир ўсмирларнинг қанчалик ватарпарварлигини, меҳнатсеварлигини, қанчалик ҳурмат қилишини, қанчалик тўғрилигини ва виждонлилигини, ўртоқлик ва ҳамкорлигини қанчалик ҳис қилишини кўрсатиб билиб бориши зарур.

Салбий ахлоқий ҳислатларга эга бўлган ёшларда кўполлик, ёлғончилик, безорилик, эгоизм, қайсарлик, ўжарлик, интизомсизлик, қоидаларга риоя қилмаслик, ўзбилармонлик қабилар киради ва бундай ҳислатларга эга бўлган ёшларни тарбиялаш (жамоалар орасида тарбияланганда ҳам)да фақат уларга яккама-якка ёндошиш лозим. Чунки, улар жамоа ёки кўпчалик орасида ўзларининг айбларини ошкор бўлишлигини ёки тарбия, танбеҳ бераётган кишининг насиҳат ёки кўрсатмаларига бўйсунини ёқтирмайдилар, улар билан муомалада ниҳоятда эҳтиёткорлик, самимийлик, дўстона муносабатда бўлишликнигина талаб қилинади.

Тарбияси қийин ўсмирларнинг ҳатти-ҳаракатларини ижобий йўналишга буриб юбориш учун уларда маъсулият, ғурур, жавобгарлик, ишонч каби юксак ҳисларни таркиб топтириш керак. Бунинг учун уларга ёши, кучи, қобилияти ва қизиқишларини ҳисобга олиб, топшириқлар бериш айти муддаодир. Уларга кичик жамоани, спорт секциясини, Тирик бурчакни бошқариш вазифасини ишониб топшириш натижасида салбий феъл – атворни камайтириш мумкин.

XXI- asr yoshlarining o'ziga xos qirrali mavjudki bu qirralar boshqa davr yoshlarida mutloqo boshqacha ko'rinishda bo'lgan bo'lishi tabiiydir, yoshlarni o'z –o'zini baholash xususiyati ham davrga mos ravishda murakkablashib, takomillashib borish psixologiyani turli tarmoqlarida o'z aksini topgan desak xato bo'lmaydi.

O'smirlarni o'z- o'zini baholash xususiyatini hamma vaqtda ham jamiyat a'zolarini qiziqtirib kelgani sababli o'smir o'zini baholash jamiyatga tayyorgarlik darajasini ko'rsatib bergan. Kelajagi buyuk davlatimiz yoshlari o'z kasblari fan va sport sohasida dunyoga o'zlarni sabab o'zlarini imkoniyatlariga ham jismonan, ham ruhan tayyor ekanliklari orqali baholanishlaridan so'ng jahonga yuz tutmoqdalar. Misol uchun: Rustam Qosimjonov, Iroda To'laganova, Ruslan Chagaev, To'xtamurod Xodiev , Artur Grigoryan va boshqalarni misol tariqasida keltirish mumkin. Buyuk xalqimizni har bir farzandi yuqoridagi dunyoga tanilgan yoshlar singari, ammo ularni aksariyat o'zlariga baho berishida no adekvatlikka yo'l qo'yadilar. Shu sababdan ham istiqlolni dastlabki un yillaridan boshlab dolzarb muommalardan biri sifatida yoshlarni o'zlariga bo'lgan munosabatini to'G'ri baholashini ilmiy asoslashdan iborat. Yuqoridagi muommodan kelib chiqib o'z tadqiqot ishimizni

O'tkazilgan amaliy tadqiqotlarimiz ham yuqoridagi fikrni asoslab darxaqiqat o'smirlik davrining nihoyatda murakkab davr ekanligini yana bir bora namoyon etadi. O'zbekiston psixologiya fanida ushbu yo'nalishda ko'plab tadqiqotlar olib borgan olim ya'ni , M.G. Davletshin , E.G'.G'oziev , G.B.Shoumarov ,V.I.Karimova , B.R.Qodirov , Sh.R. Baratov, A.M.Jabborov va boshqalar jahon psiholgoiyasi faniga salmoqli hissa qo'shib kelmoqdalar.

Biz yuqoridagi o'zbek psixologlari qatorida rus olimlarida G.M.Andreva, V.Ya.Platonov, I.A.Darlak va A.M.Smalkinlar nazariyalaridan ham foydalandik.

Etnopsixologik yondoshuv nuqtai- nazaridan yondoshganda ko'proq murakkablik o'zini namoyon qilishiga sabab psixologik metodlarni milliylikka moslashtirish lozim deb topdik.

Давлат ва жамият кам таъминланган оила фарзандларига алоҳида хамкорлик қилади. Уларнинг нормал маънавий-ахлоқий камол топиши учун шароитлар яратиш катта саъй-ҳаракат ва харажатлар талаб этишини ҳам ёдда тутиш лозим. Жумладан, кам таъминланган кўп болали оилаларга, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар ҳамда "Меҳрибонлик" уйлари ва махсус мактаб-интернатларда таълим олаётганларга катта эътибор берилмоқда.

Шуни афсус билан таъкидлаш жоизки, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъматидан воз кечиб, ундан юз ўгириб, уларни ташлаб кетаётган ота-оналар ҳам борки, уларни таърифлашга тил ожиз. Бу бегуноҳ болаларнинг аянчли тақдири, уларнинг мурғаклигидан дуч келган тақдирнинг қаттиқ зарбалари, афсуски, бу болаларнинг кўнгли ўксик бўлиб камол топишига олиб келади. Тўғри, бугунги кунда қаровсиз қолган болаларни ўз бағрига олган "Меҳрибонлик уйлари"даги давлатимиз томонидан яратиб берилаётган шарт-шароитлар жуда ҳам яхши, аниқроғи аъло даражада.

Лекин, кўнгли ўксик бу болаларнинг қалбига ҳеч бир молу-давлат ва ҳеч бир зот уларнинг ҳақиқий ота-онасичалик йўл топа олмайди. Эртага бу болаларнинг ўз келажаги пойдеворини куришга йўл кўрсатишдек масъулиятли ва ўта машаққатли вазифани бажариш ишлари, бугунги кунда давлатимиз ҳамда жамиятимиз, шунингдек, ҳар биримизнинг энг асосий вазифаларимиз, қолаверса, бизнинг давлатимизга берган энг катта кўмагимиздир.

Yangi avlodni voyaga yetkazish, jamiyat talablariga javob beradigan, uning o'z oldiga qo'ygan vazifalarini bajarishga ko'maklashadigan fuqarolar shaxsini shakllantirish har bir tuzumning eng oliy maqsadi bo'lib kelgan. Respublikamizda bosqichma-bosqich inson shaxsini shakllantirish tizimining takomillashtirib borilayotganligi ham shu fikrimizning yana bir yorqin dalilidir. Bolalarning turli yosh davriga mos munosabat usullarini shakllantirish ularning yosh psixologik xususiyatlari, qonuniyatlariga amal qilish haqida sobiq sho'rolar tuzumi davrida ham sanoqsiz fikrlar aytilgan, behisob ilmiy-tadqiqot ishlari amalga oshirilgan.

Aytilgan fikrlar, amalga oshirilgan tadqiqotlarning ilmiy qimmatiga zarracha shak keltirmagan holda, achchiq bo'lsa ham shuni tan olish kerakki o'sha davrning itoatkor, mo'minqobil jamiyat a'zolarini shakllantirish haqidagi mafkuraviy talabi bu ishlarni amaliyotga qo'llashga to'liq imkoniyat bermadi. Hozir zamon o'zgardi, davr o'zgardi, Respublikamizning siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy maqomi o'zgardi. Biz integratsiya yo'liga qadam qo'ydik. Murakkab siyosiy, iqtisodiy munosabatlar jarayonida bexato yo'nalish ola biladigan, mustaqil fikrlay oladigan, mustaqil munosabat bildiradigan jamiyat a'zolariga ehtiyoj paydo bo'ldi. Respublikamizda keng ko'lamda ana shu talablarga javob bera oladigan yangi jamiyat fuqarolari shaxsini shakllantirish jarayoni boshlandi. "Ammo, holisona baho berganda, shuni tan olishimiz kerakki, o'tgan davr mobaynida amalga oshirgan tadbirlarimiz bugun hayot talab qilayotgan natijalarni berayotgani yo'q. Avvalo shuni ta'kidlash kerakki, biz eski, sho'rolar zamonidan qolgan ta'lim-tarbiya tizimiga xos mafkuraviy qarashlardan va sarqitlardan xali beri to'liq qutulganimiz yo'q". Inson shaxsining shakllanishida har bir yosh davri o'ziga xos muhim ahamiyatga ega. Lekin bu davrlar ichida alohida ahamiyatga molik davrlar ham mavjudki, ulardan biri o'smirlik davri hisoblanadi. Bu davrga mansub ilmiy adabiyotlarda "o'tish davri", "inqirozli davr", "qiyin davr" atamaları mavjudki, ularning hammasi bu davrning xususiyatlarini to'g'ri aks ettiradi deyish mumkin. O'smirlik davrining eng asosiy xususiyati bu ikkita rivojlanish: psixik va jismoniy yoki boshqacha aytganda psixik va somatik jarayonlar intensivligi bilan xarakterlanadi. Har birimiz farzandlarimiz va tarbiyalanuvchilarimizda aynan shu davrga xos bo'lgan serzardalik, qo'pollik, xaddan tashqari o'ziga e'tibori berish kabi yaqqol ko'rinib turuvchi, keskin namoyon bo'luvchi xulq shakllarini kuzatganmiz.

Yana shu davrda tez toliqish, jismoniy zaiflik, turli kasalliklarga moyillik holatlarini kuzatish mumkin. Bularning barchasi psixosomatik o'zgarishlar hisoblanib, psixik va somatik jarayonlar o'zaro uzviy bog'liqligining natijasi sanaladi. Yaqqol namoyon bo'luvchi o'smir xususiyatlarining aksariyati uning munosabatlari tizimida ko'rinadigan xarakter o'ziga xosliklari sanaladi. Bu o'ziga

xosliklar psixologiyada "xarakter aksentuatsiyasi" deb ataluvchi xarakterning alohida shaklda namoyon bo'luvchi ko'rinishidan iboratdir. Xarakter aksentutsiyasi masalasi M.Kramer, E.Krechmer, K.Leongard, o.V.Kebrikov, P.B.Gannushkin, V.V.Kovalev, A.ye.Lichko kabi ko'plab olimlar tomonidan atroflicha o'rganilgan. Xarakter aksentuatsiyasi - normaning psixopat bilan chegaradosh variantini bildiruvchi xarakter ayrim sifat va sifatlar to'plamining haddan tashqari namoyon bo'lishidir. Xarakter aksentuatsiyasi psixopatlarda ularga xos bo'lgan uchta belgining bir vaqtda namoyon bo'lmasligi bilan farqlanadi. Bu belgilar: vaqt mobaynida xarakterning stabilligi, hamma vaziyatlarda yoppasiga namoyon bo'lishi va ijtimoiy dezadeptatsiya (ko'nika olmaslik). Xarakter aksentuatsiyasida odam psixopatga o'xshab psixik jarohat yetkazadigan hamma taosirdan ham ranjiyvermaydi, balki ayrim, "nozik" yeriga tegib ketadiganlariga" javob berib, boshqalariga e'tiborisiz qoladi. Xarakter aksentuatsiyasining ochiq va yashirin (latent) shakllari mavjud bo'lib, oila tarbiyasi xususiyatlari, ijtimoiy muhit, kasbiy faoliyat, jismoniy salomatlik kabi muhim rol o'ynovchi omillar ta'sirida osongina bir-biriga o'tib turishi mumkin. Xarakter aksentuatsiyasi o'smirlik davrida shakllanib, vaqt o'tishi bilan silliqqlanib, kompensatsiya qilinadi. Faqat xarakterning "bo'sh bogoiniga" uzoq vaqt ta'sir qiluvchi murakkab psixogen vaziyatlarda o'tkir affektiv reaksiyalar, nevrozlar, hatto psixopatik taraqqiyot shakllanishi uchun sabab bo'lib qolishi mumkin. Xarakter aksentuatsiyasi mos ravishda psixopatik buzilish turlari bilan chegaradosh bo'lganligi uchun, uning tipologiyasi psixiatriyada atroflicha ishlab chiqilgan psixopatlar klassifikatsiyasiga asoslanadi, biroq bu klassifikatsiya ayni paytda psixik solom odam xakteri xususiyatlarini ham aks ettiradi. Turli klassifikatsiyalar asosida xarakter aksentuatsiyasining quyidagi asosiy tiplari ajratilgan:

1. Sikloid - yaxshi va yomon kayfiyat fazalarining turli davrlarda almashib turishi.
2. Gipertim - doimiy ko'tarinki kayfiyat, bir yo'la bir necha ishga yopishish tendensiyasi va faoliyat chanqoqligi bilan yuqori psixik faollik, boshlagan ishni oxiriga yetkazmaslik.

3. Labilp - vaziyatga qarab kayfiyatning keskin o'zgarishi.
4. Astenik - tez toliqish, jahldorlik, depressiya va ipoxondriyaga moyillik (depressiya - ruhiy siqqlik, ipoxondriya - vahima).
5. Senzitiv - yuqori ta'sirchanlik, xadiksirash, shaxsiy to'laqonli emaslik hissining kuchayganligi.
6. Psixastenik - yuqori xavotirlilik, badgumonlik, juroatsizlik, doimiy shubha va mulohaza, o'z-o'zini tahlil qilishga moyillik, ritual harakatlar va obsessiya tendensiyasi.
7. Shizoid - boshqalardan ajralish, yakkalanish, interoversiya, hamdardlikning yo'qligi va emotsional kontaktlar o'rnatishning qiyinligida namoyon bo'ladigan emotsional sovuqlik, muloqot jarayonida intuitsiyaning yetishmasligi.
8. Epileptoid - (baozan shafqatsizlik elementlari bilan) azabdan quturish va qaxr-xuruji ko'rinishi tarzida namoyon bo'ladigan agressiyaning to'planishi bilan darg'azab-g'amgin kayfiyatga moyillik, janjalkashlik, tafakkurning egiluvchanligi, go'yat darajada pedantizm (o'taketgan rasmiyatchilik).
9. Tutilib qoluvchi (parango'yal) - yuqori shuboalanuvchi va kasallik darajasidagi arazchilik, salbiy effektlarning sobitligi, ustunlikka intilish, boshqalar fikrlarini qabul qilmaslik natijasida yuqori janjalkashlik.
10. Namoyishkor (isteroid) - tan olinishga ehtiyoj qoniqtirilmaganda "kasal bo'lib olish", manmanlik, qaltis ishlarga qo'l urish bilan xarakterlanadigan, o'ziga diqqatni jalb qilish uchun foydalaniladigan yolgo'nchilik, fantazyorlik va mugo'mbirlik, sub'yekt uchun noxush bo'lgan fakt va hodisalarni siqib chiqarish tendensiyasi.
11. Distim - tushkun kayfiyatning ustunligi, depressiyaga moyillik, hayotning g'amgin va qayg'uli tomonlariga berilish.
12. Beqaror - atrofdagilarning ta'siriga yengil berilish moyilligi, doim yangi ta'surotlar, davralar qidirish, yuzaki xarakterga ega bo'lgan osongina kontakt o'rnatib olish.
13. Konform - boshqalarning fikrlariga xaddan tashqari bog'liqlik va

bo'ysunganlik, tanqidiylik va tashabbuskorlikning yetishmasligi, konservatizmga moyillik.

1.2. Тарбияси қийин ўсмирларнинг ўзига хос хусусиятлари

Ўқитувчилар жамоаси ҳар қанча уринишидан қатъи назар, таълим жараёнида тарбияси қийин ўсмирлар ҳам учраб туради. Ҳозирги даврда, бундай ўқувчилар билан яккама-якка ишлаш усули яратилган, феъл-атвордаги нуқсонларнинг, хатти-ҳаракати носоғломлигини олдини олиш ва тузатиш йўллари илмий асосда ишлаб чиқилган. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, тарбияси қийин; инжиқ, хулқи салбий болаларнинг келиб чиқишининг ижтимоий сабабларидан ташқари, педагогик ва психологик сабаблари ҳам мавжуд. Ўқувчиларда ноўғай хатти-ҳаракатлар пайдо бўлишининг сабаблари ва турткилари ҳар хилдир. Қонунни бузиш ёки қоидага хилоф иш қилиш даражасига қараб тарбияси қийин ўсмирлар жинсий қонунбузар ва оддий қоидабузар (тартиббузар) гуруҳларга ажратилади.

Шахснинг биологик ўсишидаги нуқсонлар, сезги органларининг камчиликлари, ўқишга салбий таъсир этувчи олий нерв фаолияти ва темпераментдаги қусурлар тарбияси қийинларни келтириб чиқаради. Шахснинг психик ўсишидаги камчиликлар, чунончи, ақл-идрокнинг заиф ривожланганлиги, ироданинг бўшлиги, ҳиссиётнинг кучсизлиги, зарур эҳтиёж ва қизиқишлар мавжуд эмаслиги, ўсмирнинг интилиши билан мавжуд имконияти ўртасидаги номутаносиблик ва ҳоказолар хатти-ҳаракатни издан чиқаради. Шахснинг фазилатлари таркиб топишидаги нуқсонлар; ахлоқий ҳисларнинг етишмаслиги, ўқитувчи, синф жамоалари, оила аъзолари билан ногўғри мулоқот, иш ёқмаслик, бўш вақтни тўғри тақсимламаслик ва бошқалар ҳам салбий қилиқларни вужудга келтиради. Шахснинг билим, ўқув фаолиятидаги камчиликлари: ақдий фаолият усуллридан кенг фойдалана билмаслик, энг муҳим билим, кўникча ва малакаларни эналлашдаги узилишлар: мактаб фаолиятидаги камчиликлари: ўқиғишдаги нуқсонлар, тарбиявий

чора ва тадбирлардаги хатолар ҳам шулар жумласига киради. Мактабдан ташқари муҳитнинг таъсиридаги нуқсонлар, чунончи, оилада педагогик-психологик билимларнинг етишмаслиги, оилавий низолар, ажралиш, ота-онанинг ичкиликка ва шахвоний ҳаётга берилиши, балоғатга етмаган тенгқурларининг таъсири, маданий-маърифий ишлаб чиқариш жамоалари ҳамда жамоатчилик қуршовидаги камчиликлар ҳам ирбияси қийин ўсмирлар кўпайишига асабаб бўлади.

Ўсмирларнинг типологик хусусиятларига биноан бир нечта шартли гуруҳга ажратиш мумкин.

Тарбияси қийин ўсмирларнинг биринчи гуруҳи орсизлар ёки субутсизлар дейилади. Улар ўз хатоларини билиб туриб қонун ва қоидаларни бузадилар, номаъқул ишларни қиладилар. Кўпинча улар ўзларининг гуноҳкор эканликларини тан олмайдилар, мактабдаги айрим камчиликларни танқид қиладилар. Лекин ютуқларни эътироф қилишни хоҳламайдилар. Шахсий фикрларини бошқа кишиларга маъқуллашни ва ўз талабларини ўзгалар сўзсиз бажаришини жуда ёқтирадилар. Бундай болалар бетгачопар, ўжар табиатли, раҳм-шафқатсиз, "зўравон" бўлалдилар. Мустақил фикрга эга бўлмаган тенгдошларини ўз атрофларига тўплайдилар ва биргаликда тартиб бузишга ундайдилар.

Иккинчи гуруҳга мансуб тарбияси қийин ўсмирлар яхши ва ёмонни тушунадилар, бироқ мустақил эътиқодга, барқарор юксак ҳис-туйғуга эга эмасликлари сабабли "орқа қанот"да туриб қоидани бузадилар. Уларнинг хатти-ҳаракатлари тасодифий воқеликка, таъсир кучига ва вазият хусусиятига боғлиқдир. Улар ташвиқотга тез бериладилар, барча нарсаларга ишонадилар, қайси йўлга кириб қолганликларини англаб етадилар, бироқ "кампания" фикрига қарши бошришга ботина олмай кўнгилсиз ишларга қўл урадилар. Кўпинча тартиббузарлар қилмишларига тавба қилиб, синф жамоаси аъзоларини

ишонтирадилар, лекин маълум фурсат ўтгандан сўнг берган ваъдаларини бутунлай унутадилар.

Учинчи гуруҳга мансуб тарбияси қийин ўсмирлар шахсиятпарастлик туфайли қонунбузарлик, тартиббузарлик йўлига кириб қоладилар. Улар шахсий талаблари ва эҳтиёжларини қондириш учун ҳар қандай ножўя хатти-ҳаракатдан қайтмайдилар, ҳамиша одамларга яхшилик қилишни орзулайдилар, бироқ ўзларининг шахсий манфаатларини ижтимоий манфаатдан юқори кўядилар. Ўзларининг хоҳишларини тақиқланган усуллар билан амалга оширадилар, сўнг қилмишларига афсус-надомат чекадилар, руҳан эзиладилар. Лекин мазкур кечинмаларни тез унутадилар, уларнинг шахсий эҳтиёжлари ҳар қандай юксак ҳислардан, хоҳишлардан устун туради. Ахлоққа хилоф хатти-ҳаракатлар ачиниш ҳисси тарзида намоён бўлади, холос.

Инжиқ табиатли ўсмирлар тўртинчи гуруҳга мансуб бўлиб, улар синф жамоасида ўз ўринларини топа олмаганидан қайғуралилар. Бундай ўқувчилар гинахон, аразчи бўладилар, шунинг учун синф жамоасида камситилаётгандек, кечинмалар билан яшайдилар. Бундай ҳолатнинг вужудга келишига асосий сабаб шахсий имкониётлардан кўра интилиш, майл ва обрў кетидан қувишнинг устунлигидир. Улар жамоа аъзоларининг ҳурматига сазовор бўлишни хоҳлайдилар. Кўпинча тундлик билан иш тутадилар, бирор нарсага хайрихохликлари яққол кўзга ташланмайди. Тушкунлик кайфияти, умидсизлик, ўз имкониёти, ақлий қувватига ишончсизлик уларга хос хусусиятлардир. Улар қонун ва қоидаларни бузишга астойдил ҳаракат қилмасаларда, таълим ва тарбия жараёнида қийинчилик туғдирадилар.

Тарбияси қийин ўсмирларнинг хатти-ҳаракатларини ижобий йуналишга буриб юбориш учун уларда масъулият, гурур, жавобгарлик, ишонч каби юксак ҳисларни таркиб топтириш лозим. Бунинг учун

уларга ёши, кучи, қобилияти ва қизиқишларини ҳисобга олиб, топшириқлар бериш айти муддаодир. Уларга кичик жамоани, спорт секциясини, тирик бурчакни бошқариш вазифасини ишониб топшириш натижасида салбий феъл-атворларини камайтириш мумкин. Уларни ўзлари қизиққан тўғаракларга жалб қилиш орқали ўқишга салбий муносабатлари аста-секин йўқотиб борилади.

Тарбияси қийин ўсмир ўқувчиларни қайта тарбиялаш учун куйидагиларга эътибор бериш керак.

Тарбияси қийин ўсмирларни келтириб чиқарувчи сабаблар мажмуаси.

I. Шахсининг биологик нуқсонлари:

- а) сезги органларининг камчиликлари;
- б) ўқишга салбий таъсир этувчи олий нерв фаолияти темперамент хусусиятларининг мавжудлиги;
- в) психопатологик ожизликлар.

II. Шахсининг психик камолотидаги камчиликлар:

- а) ақлнинг бўш ўсганлиги;
- б) ироданинг заифлиги;
- в) шахсда ҳиссиётнинг кам ривожлангани;
- г) зарур эҳтиёж ва билишга қизиқишлар мавжудмаслиги;
- д) ўсмирдаги интилиш билан имкониятларнинг номутаносиблиги.

III. Шахсининг тарбиясидаги нуқсонлар:

- а) ахлоқий хислатларида учрайдиган камчиликлар;
- б) ўсмирнинг ўқитувчи, синф жамоаси ва оила аъзолари билан мулоқотидаги заифликлар;
- в) меҳнат тарбиясидаги нуқсонлар;
- г) буш вақтни тақсимлашдаги хатолар.

IV. Шахсининг билим олиш фаолиятидаги камчиликлари:

- а) билимлар, махсус кўникмалар ва малакаларни эгаллашдаги узилишлар;
- б) таълим жараёнида ақлий меҳнат усуллари ва операцияларининг етишмаслиги.

V. Мактаб таълими ва тарбиясидаги камчиликлар:

- а) таълим жараёнида билимлар ва хатти-ҳаракатларни адолатсиз баҳолаш, дарслик ва ўқув қўлланмаларига нисбатан англашилмовчиликлар, синфда қолдириш ва ҳоказолар;
- б) мактаб тарбиявий ишларидаги камчиликлар ўқитувчининг ўсмирга хайрихоҳ эмаслиги, ўқувчининг иккиланиши, ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоасидаги нуқсонлар, педагогик қаровсизлик, ўз ўрнини топа олмаслик ва бошқалар.

VI. Мактабдан ташқари муҳитдаги нуқсонлар:

- а) оилада педагогик ва психологик билимларнинг етишмаслиги;
- б) оиланинг бузилиши ва оилавий низолар;
- в) ота-она ёки оила аъзоларининг шахвоний ҳаётга ва ичкиликка берилиши;
- г) оила аъзолари ўртасида судланган одамнинг учраши;
- д) тенгқурларининг салбий ишларга (ҳақорат қилишга, ичишга, чекишга, қўли эгриликка) ўргатиши ва ҳаказо;
- е) маданий-маърифий, ишлаб чиқариш ва жамоатчиликнинг камчиликлари.

Bu davrda o`smirlarning uz shaxsiy fikrlari paydo buladi. Ularda uz kadr-kimmatlari hakidagi tushuncha kengayadi. Ilmiy psixologiyaning aniklashi buyicha o`smirlarningpsixik taraqqiyotini xarakatga keltiruvchi kuchlar, ularning faoliyatlari bilan tugiladigan extiyojlar bilan bu extiyojlarni kondirish imkoniyatlari o`rtasidagi dialektik karama-karshiliklarni yuzaga kelishi va bartaraf kilinishidan iboratdir.

Qarama-qarshiliklar ancha yuksak darajadagi psixik taraqqiyotini, ancha murakkab shakldagi faoliyat turlarini va shaxsning qator yangi psixologik xususiyatlarini tarkib toptirish orkali bartaraf qilishdan iboratdir. Shundan keyin psixik taraqqiyotning yuksakroq bosqichiga utiladi. Sana shu nuqtai nazardan o`smirlik yoshini yanada oydinroq qarab chiqaylik. Bola boshlangich sinfni tugatadi. Bolaning o`rta maktabda o`qishga utishi uning xayotida burilish davri xisoblanadi. O`smirlarning yangi ijtimoiy jixatdan tashkil topgan va rang-baranglantirilgan faoliyatni uning psixologik hamda shaxsning tarkib topishiga asos, sharoit va vosita xizmat qiladi.

Shunday qilib, o`smirlarga ta`lim-tarbiya berishning yangi to`g`ri usullari hamda vositalarni topishi uchun o`smirlik yoshining uziga xos xususiyatlarini jismoniy va psixologik taraqqiyotini yaxshi bilishimiz kerak. O`smirlik yoshining mazmuniy xarakteristikasi vakt utishi bilan o`zgarib boradi, chunki inson xayotining xususan ijtimoiy sharoitlari uzgaradi.

Psixologiya taraqqiyotining biologik omillariga o`smirlar ongiga ogir, ba`zan kuchi etmaydigan bulib tushadigan, ularni jiddiy psixik inkirozga va xayajonga soladigan, masalan: o`smirlar uchun xarakterli bulgan norozilik, qo`pollik, qaysarlik, uz-uzini analiz qilishga moyillik sub`ektiv olamga va shunga uxshash xislatlarni keltiradigan jinsiy etilishga nixoyatda katta ahamiyat beradilar.

Jinsiy etilish munosabati bilan paydo buladigan yangi sezgilar fikrlar, maylliklar, kechinmalar guyo o`smirlar ongida xukmron buladi. Ularning xulq atvorini belgilaydi. Mana shu tarika okibat natijada o`smirlarning psixologik kiyofalari asosan yolgiz sof biologik omil deb karaladi.

Psixologlarning fikricha yosh psixologik xususiyatlari fakatgina yolgiz biologik jixatidan etilishi va taraqqiyot etilishining natijasi bulmay balki bolaning ijtimoiy xayot sharoitlari va faoliyatlarining uzgarishi hamda bu jixatdan yangi ijtimoiy omillarning paydo bulishi natijasida o`smirning taraqqiyotiga va unga beriladigan maktabdagi ta`lim va tarbiya berishni anik tashkil qilish o`smirlarning konkret xayot sharoitlari va faoliyatning maxsuli deb qarab bulmaydi.

Boshkacha qilib aytganda ijtimoiy sharoitlar rolini konkret xayot sharoitlari va faoliyatlarining rolga almashtirib bulmaydi. Mana shu yukorida aytilganlardan shunday xulosa qilish mumkinki, o`smirning yoshi va uning xususiyatlari absolyut ahamiyatli kasb etmaydi shu munosabat bilan o`smirlik yoshi mutloko anik ma'lum va absolyut chegara hamda xarakteritsikaga ega emas bu erda ancha muxim bulgan ma'lum fikrlar bor.

Bu farqlarni konkret ijtimoiy omillarning ta'siri bilan va o`smirlarga beriladigan turli ta'lim va tarbiya sharoitlarining ta'siri bilan tushuntirish mumkin. Taraqqiyotning asosiy yo`nalishi bolaning o`smirlik davridagi taraqqiyotining asosiy xarakteritsikasini ajratish mumkin. O`smirlik davri organizmning jushkin usish davridir. Bu davrda tananing intensiv ravishda rivojlanishi yuzaga keladi, Muskul apparatlari mutsaxkamlanadi va skeletning suyaklanish jarayoni davom etadi.

Bu davrda yurak kon tomirlari sitsemasining taraqqiyotida mos kelmaslik xodisasi kuchlaniladi. Bu paytda yurak xajmi jixatidan ancha kattalashadi, ancha kuchli ishlay boshlaydi. Kupincha kon aylanishining vaktincha buzilishida kok bosimining yoshga boglik xolda kutarilishiga, yurak faoliyatining zur berilishiga olib keladi. Natijada o`smirlarda uchraydigan bosh aylanishi, yurak urishi, bosh ogrigi paydo buladi.

O`smirlarning yoshi ham jismoniy psixik xususiyatga egadir, organizm Pavlov ta'limotiga kura, bir butun sitsemadan iborat bulib, bunda barcha tukimalar va organlar fiziologik jarayonlar uzviy ravishda bir-biri bilan boglangan buladi.

Lekin bir butunlikda nerv sitemasi va uning bilan boglangan yukori kismi I.P. Pavlov suzi bilan aytganda organizmda sodir buladigan barcha xodisalarni boshkarib turuvchi bosh miya putsi asosiy etakchi rolni uynaydi. O`smirlik yoshida nerv sitsemasining yukori kismi sifat jixatidan usa boshlaydi va miya ichki tuzilishining murakkablashishga utadi.

Katta yarim sharda nerv xujayralarning etishi tugallanadi. O`smir organizmining jismoniy taraqqiyoti uning organlari va tukimalarining rivojlanishi bosh miya putsining boshkaruvchanlik roli otsida amalga oshadi, ammo usib

borayotgan tukimalar va organlar uz navbatida nerv sitsmasining usishiga ta'sir kursatadi. O'smirlik yoshida upkaning xajmi kattalashadi nafas olish ancha mikkorda tezlashgan va sayoz bladi. O'smirlik yoshida bola kancha toza xavoda yursa shuncha foydalidir.

Bu davrda ichki sekretiya bezlarining kayta kurishiga boglik bulgan jinsiy etilish davridir. Bu bezlarning etilishi kishi organizm faoliyatida xizmati juda kattadir. O'smirlik yoshining xarakterli xususiyatlaridan biri jinsiy etilish jarayonidir.

Jinsiy etilishning boshlanishi kup jixatdan iklimga va milliy epiografik omillarga va shuning bilan birga individual xususiyatlarga boglikdir.

Kuzatishlar shuni kursatadiki jinsiy etilishning boshlanish davri ugil bolalarda 12-13 yoshda, kiz bolalarda 11-12 yoshda boshlanadi. Kupchilik ugil bolalar xozirgi vaktida jinsiy etilish 15-16 yoshda, kiz bolalarda 13-14 yoshlarda kuzatiladi.

O'qituvchiilar sinf raxbarlari datsavval shkni chukur anglashlari lozimki, jinsiy etilish organizmning jismoniy taraqqiyotiga ta'sir qilishdan ularning psixik rivojlanishiga ham katta ta'sir kursatadi. O'smirlarda jinsiy etilish bilan birga shu paytgacha ularga noma'lum bulgan qandaydir xislar, kechinmalar karama-karshi jinnga spetsifik qiziqish noma'lum mazmundagi kitoblarga qiziqishlarning paydo bulishi tabiiydir.

O'smirlik davrida nutqning rivojlanishi bir tomondan so'z boyligini oshishi xisobiga bo'lsa, ikkinchi tomondan tabiat va jamiyatdagi narsa vokea va xodisalarning mazmun moxiyatini anglashlari xisobiga bo'ladi. Bu dovrda o'smir til yordamida atrof-borlikni aks zttirilishi bilan bir qatorda nnon dunyokarashini ham belgilab berish mumkinligini xis kila boshlandi Aynan o'smirlik davridan boshlab, iison aynan nutq bilish jarayonlarining rivojlanishini belgilab berishini tushuna boshlaydi o'smirni ko'pincha muomalada so'zlarni ishlatish koidllari - "qanday qilib to'gri yozish kerak?", "qanday qilib yaxshiroq aytish mumkin?" kabi savollar juda qiziqtiradi. o'smirlar maktabdaga o'kituvchilar. kattalar sta-onalar nutqidagi kamchiliklarga kitob, gazeta radio va telividenie diktorlari

xatolariga tez e'tibor beradilar. Bu xolat o'smirning bir tomondan o'z nutqini nazorat qilish o'rgatsa, ikkinchi tomondan kattalar ham nutq, qoidalari bo'zilishi mumkinligini bilishlariga va o'zida mavjud xatoliklarni birmuncha barham toptirishlariga olib keladi.

O'smir so'zlarning kelib chiqish tarixiga, ularniig aniq mazmuni va mohiyatiga juda qiziqadi. U endi o'z nutkida yosh bola singari emas, balki katta odamlardek so'zlarni tanlashga xarakat qiladi. Nutq madaniyatnii egallash borasida o'smir uchun o'qituvchi, albatta, namuna bo'lishi shartdir. Aynan maktab ta'limi o'smir bilish jarayonlarini rivojlanish yo'nalishini sifat jihatidan o'zgarishida asosiy omil bo'lib xizmat qiladi. Bilish jarayonlarining rivojlanishida nutq ham oshadi, ham yozma mavjud bo'lishi bilan ham kuchli vosita hisoblamadi. Maktabdagi o'quv jarayonlarining to'g'ri tashkil etilishi va amalga oshirilishi bilan o'smir nutqining to'g'ri rivjlanishiga sharoit yaratiladi. Nutqni o'zlashtirishga xarakat bu o'smirning muomala, bilish va ijodiy faoliyatga kirishish extiyoj va intilish hisoblanadi.

O'zbek millatiga xos bo'lgan eng noyob milliy xarakter xususiyatlaridan ayrimlari hayolilik, ibolilik, andishalilik kabilardir. Bu fazilatlar o'zbeklardagi islom ma'naviyati ta'sirida shakllangan kattalarga hurmat, ota-ona, qarindosh-urug'lar hurmatini bajo keltirish, ko'cha-kuyda, mehmondorchilikda, odamlar orasida odob saqlash kabi milliy xulq sifatlarining asosi ham hisoblanadi. Bu fazilatlarining teskarisi salbiy ko'rinishlarda ham mavjud bo'lib, ular odobsizlik, andishasizlik, behayolik, beibolik ko'rinishida namoyon bo'ladi. Biz tahlil qilmoqchi bo'lgan muammo nihoyatda murakkab bo'lganligi tufayli eng mayda tafsilotlarigacha mushohada qilishga majburmiz. Yuqorida sanab o'tilgan o'zbek-milliy fazilatlar hayolilik, ibolilik, andishalilik darhaqiqat insoniy fazilatlar sanaladi, shuningdek andishasizlik, odobsizlik, behayolik, beibolik darhaqiqat eng yaramas xususiyatlardan sanaladi va jamiyat tomonidan tarbiya nuqtai nazaridan qoralanadi.

Bu yerda qiziq joyi shundaki, o‘zaro muloqotda hayolilik, ibolilik, andishalilik atamalari o‘rniga ko‘proq uyatchan, tortinchoq atamalari ishlatiladi va aksincha ibosizlik, hayosizlik, andishasizlik kabi atamalar o‘rniga ko‘proq uyatsiz atamasi ishlatiladi. Demak, o‘z-o‘zidan uyatchanlik, tortinchoqlik hayo, ibo, andisha atamalariga, uyatsizlik esa ibosizlik, hayosizlik, andishasizlik atamalariga tenglashtirilib idrok qilinadi. Atamalarning salbiy ekvivalentiga hech qanday e’tiroz tuyulmaydi, chunki haqiqatan ham uyatsiz, andishasiz, ibosiz, hayosiz odamlarning xulq shakllari bir-biriga o‘xshaydi, bu yerda asosiy muammo uyatchanlik, tortinchoqlik bilan ibolilik, hayolilik, andishalilik tushunchalari teng kuchlimi yoki yo‘qmi, bu atamalar ko‘rinishi jihatidan almashtirilib ishlatilganda bir xil ma’noni, bir xil shaxs xususiyatini anglatadimi yo‘qmi, ana shunda. Dunyo fanida tortinchoqlik muammosi bo‘yicha turli xil qarashlar mavjud. Shaxs hislatlarini tadqiq qiluvchilar tortinchoqlik xuddi aql yoki bo‘y darajasiga o‘xshab, avloddan-avlodga o‘tadigan individual xususiyat ekanligiga ishonadilar. Bixevioristlar esa tortinchoq odamlarni samarali muloqot uchun kerak bo‘ladigan ijtimoiy malakalarni egallay olmaganlar deb biladilar. Psixoanalitiklar tortinchoqlik chuqur ong osti ziddiyatining tashqi namoyon bo‘luvchi belgisi deb tasdiqlaydilar. Sotsiologlar va ba’zi bolalar psixologiyasi mutaxassislari tortinchoqlikni ijtimoiy rejalashtirish atamalari tarkibiga kiritadilar. Sotsial psixologiya vakillarining fikricha tortinchoqlik ijtimoiy yoki shaxsiy fikrdan (yorliq ilishdan) boshlanadi. "Men tortinchoqman, chunki o‘zimni tortinchoq deb hisoblayman, yoki boshqalar meni shunday deb hisoblashadi".

Amerikalik psixolog Filipp Zimbardo o‘zining "Zastenchivostp" (Uyatchanlik) asarini to‘laligicha odamlardagi shu xususiyatni tadqiq qilishga baishlagan.

Zimbardoning Stenford klinikasida tashkil qilingan uyatchanlik va tortinchoqlik psixoterapiyasi Amerikada juda katta muvaffaqiyat qozongan. Bu psixoterapiya jarayonida Zimbardo va uning hamkasblari uyatchanlik va tortinchoqlik komponentlarini yettita shaxslararo muammolar bilan bolaydilar:

1. Insonlar bilan tanishishning, yangi do'stlar orttirishning va yangi munosabatlar bilan qoniqishning qiyinligi;

2. Teskari emotsional holatlar, ya'ni hayajonlanish, depressiya va yolgoizlik;

3. Shaddodlikdagi kamchilik va o'z fikrini bayon qilishdagi qiyinchiliklar;

4. o'ta tortinchoqlik. Boshqalarning ishiga tortinchoqlik bilan baho berish;

5. Uyatchan va tortinchoq odamni boshqalarni mensimaydigan, o'zini yuqori tutadigan, ko'pchilikni yoqtirmaydigan odamlarga o'xshatilishi;

6. Jamoa va begonalar o'rtasida o'z fikri va muammosini qiyinchilik bilan bayon qilish xususiyati;

7. Diqqatning haddan tashqari bir joyga to'planishi.

Ushbu klinikada kuzatishlar jarayonida o'zida uyatchanlik va tortinchoqlik xususiyati bor deb hisoblaydigan odamlarning boshqalarga nisbatan reaksiyalari haqida gapirishganda o'zlaridagi asosiy uch holatni eslatishgani qayd qilinadi:

birinchidan, bunday odamlar o'z harakatlarini go'yoki tashqaridan kuzatishib, xuddi boshqalarga "men uyatchanman va tortinchoqman" deb signal berayotgandek tuyuladi;

ikkinchidan, hayajonlanishganda fiziologik o'zgarishlarning yaqqol kechishi masalan, yuzlarining qizarib ketishi; uchinchidan diqqatlarining bir

joyga to'planishi, uyalishdan qattiq hayajonlanish. Bunday odamlarning eng xarakterli belgilaridan biri ularning kamgapligi yoki sekin gapirishlaridir.

II-БОБ. Тарбияси қийин ўсмирлар билан ишлашнинг педагогик-психологик хусусиятлари

2.1. Тарбияси қийин ўсмирлар психологик хусусиятларини амалий ўрганиш

Ўқитувчи жамиятнинг ёш авлод таълим-тарбиясига қўйилган ижтимоий буюртмасининг асосий ижрочисидир. Шунинг учун ҳам Республикамиз президенти И.А.Каримов “тарбиячи-устоз бўлиш учун бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш маърифий зиёсидан баҳраманд қилиш ҳақиқий фуқаро қилиб етиштириш учун энг аввало тарбиячининг ўзи айнан шундай юксак талабларга жавоб бериши ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак” деган эди. Дарҳақиқат ўқитувчилик касбида чуқур билимдонлик, зукколик, ўз касб маҳоратини мунтазам такомиллаштириб боришга иштиёқ бўлмас экан у яхши устоз-ўқитувчи бўла олмайди.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да кўтарилган барча тадбиру амалла Республикамизнинг ақлий салоҳиятини оширишга қаратилган экан бу энг аввало ўқитувчи касбига бўлган муносабатни туб жиҳатдан ўзгартиришни, унинг маънавий-ахлоқий ва ақлий камолотини ошириш лозимлигини тақозо этади.

Демак бу фикрларни илмий назарий таҳлили қилиш шундай хулосаларга олиб келади.

1.Ўқитувчи педагогик фаолиятга қобилияти бор , ижодкор, ишбилармон, болажон бўлмоғи:

2.Миллий ва умуминсоний қадриятларни яхши англайдиган ва мукамал эгаллаган, диний ва дунёвий билимлардан огоҳ, маънавий-ахлоқий инсон сифатида обрў-эътиборга эга бўлмоғи;

3.Ўқитувчи ватанпарварлик ғояси билан суғарилган бўлмоғи ва тарбияланувчиларини ҳам ана шу йўлда фидокорликка ундамоғи:

4. Болаларни севиш, улар руҳиятини яхши билиши шунингдек уларнинг ёши ва индивидуал хусусиятини ҳисобга олган ҳолда улар билан муомалага кириша олиши:

5. Ўқитувчи эркин ва ижодий фикрлай олиши, адалатли бўлмоғи:

6. Ўқитувчи ўз сўзига ва қилаётган ишига ўқувчиларни ишонтира оладиган обрў-эътиборли шахс бўлмоғи:

7. Ўқитувчи ўткир суҳандон, мантиқий фикрловчи, ўқувчиларга берилиши лозим бўлган маълумотларни изчил ва кетма-кетлик принципи асосида етказиши:

8. Ўқитувчи одобли, иболи, ҳаё соҳиби бўлиш билан бирга ўз тарбияланувчиларини ҳам ана шундай сифатлар билан қуроллантирмоғи керак.

Ўқитувчилик касбини эгаллаган ҳар бир инсон аввало ўқитувчи шахсига хос хусусиятларини ўзида мужассам этиши, шунингдек ўқитувчининг руҳий педагогик тайёргарлигига қўйиладиган талабларни атрофлича ўзлаштирган бўлиши танланган ихтисос юзасидан керакли доирада педагогик маҳорат, техника, такт, зийраклик, кузатувчанлик, билимларни болаларга етказа олиш қобилиятига эга бўлмоғи жуда муҳим.

Ички ишлар идоралари фаолиятининг ўзига хослиги. Ички ишлар идоралари касбий фаолияти жараёнида баъзан бир қатор камчилик ва муаммолар учраб туради. Касбий фаолиятда бундай ҳолатнинг содир бўлиши турли шахслар билан бевосита ва билвосита мулоқот жараёнидаги индивидуал психологик хусусиятларга ҳам боғлиқ бўлиб, ички ишлар идоралари ходимлари касбий фаолиятида муайян малака ва кўникмаларни шакллантириш даркорлигини кўрсатади. Ички ишлар идораларининг ҳар қандай ходими жамоат

хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлашда психологик ва жисмоний жиҳатдан тайёр бўлиши лозим.

Ички ишлар идоралари ходими фаолиятига номзодларни танлашда шахсга хос индивидуал психологик хусусиятларни ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга. Улар ички ишлар идоралари ўз ишини муваффақиятли амалга оширишида, уни ташкил қилишида, касбий тайёргарликнинг юқори даражада бўлишига муҳим таъсир кўрсатади. Ходимларнинг баъзилари ўз ишларида юксак ахлоқий хислатлари билан муваффақиятга осонлик билан эришсалар, баъзилар юқори даражадаги интеллектуал қобилиятлари билан ҳам муваффақият қозонишлари қийин кечади. Демак, инсоннинг индивид сифатидаги биологик хусусиятлари, яъни ёши, жинси, онг хусусиятлари билан ўз эҳтиёжларини қандай шароитда (инсонлар орасида муҳит таъсири билан) амалга ошириши унинг касб маҳоратини эгаллашида муҳим ўрин тутаяди. *Масалан*, ходим касбий жиҳатдан ахлоқий ва ҳар тарафлама муваффақиятга эришиш учун, аввало, ўзида касбга оид зийраклик, сезгирлик, кузатувчанлик, иродалилиқ, киришимлилиқ, кишиларни тушуна олиш, шунингдек, таъсирини ўткази олиш хусусиятиларига, муайян қобилиятга эга бўлиши билан фарқланади.

Ички ишлар идораларининг фаолияти ташқи тарафдан ижтимоий талаблар, тартиб ва интизом, раҳбарлар кўрсатмалари орқали, *ички тарафдан* эса психик жараёнлар, психик ҳолатлар, психик хусусиятлар, ишонтириш, қизиқиш, эҳтиёжлар билан бошқарилади.

Ички ишлар идоралари фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш психологик муаммоларни ечишда энг долзарб масаладир.

Шахсий хусусиятлар фаолият самарадорлигини таъминловчи асосий бўғин ҳисобланади.

Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятининг **психологик жиҳатлари**: келажакда ички ишлар идоралари ходимлари сифатида хизмат вазибаларини самарали бажаришлари учун зарур психологик қонуниятлар, категориялар ва тушунчаларни ўрганиш орқали бевосита фаолият юритишда шахслараро муносабатларга киришиш жараёнида қўллаш олишда намоём бўлади. Шу билан бир қаторда ходимларга бу жиҳатлар ўз руҳиятини ўрганиш, кундалик хизматда учраши мумкин бўлган стресс омилларини бартараф этиш, фуқароларга нисбатан тўғри ёндашувни ташкил этиш усулларини ўргатади. Жиноий ҳолат тўғрисида ахборот тўплашда вазият, ҳолатни ўрганиш жараёнида шахсий хусусиятларини инобатга олиш. Амалиётда фаолият самарадорлиги олинган билим ва тажрибалар даражаси билан белгиланади. Фаолият унумдорлигини таъминловчи хусусиятларни шахсда мавжуд бир қатор психик жараёнларни ўрганиш орқали шакллантириш мумкин.

Тарбияси қийин ўсмирларга таълим тарбия беришдаги қийинчиликлар шундан иборатки, одатланиб қолган таълим ва тарбия усулларини ўзгартириш, ўқувчиларга таъсир қилишнинг илгарилари мувоффақиятли ҳисобланган формулаларни, жумладан, уларнинг ҳаёти ва фаолиятини назорат қилиш формулаларини ўзгартириш зарурлигини тушуниш жуда муҳимдир. Ўқитувчига бу формаларнинг кўпчилигидан воз кечиб, таълим ва тарбия орқали таъсир қилишнинг қандайдир янги усулларини ҳамда воситаларини топишга тўғри келади, бунда гап тарбияси қийин ўсмирлар билан катталар ўртасидаги муносабатлар, яъни ўсмир билан ўқитувчилар ва тарбиячилар ўртасидаги муносабатлар инқирози устида кетмоқда.

Ҳар бир ёш ўзига нисбатан алоҳида муносабатда бўлишни талаб қилади. Мана шунинг учун тарбияси қийин ўсмирларга таълим ва тарбия беришда илгарилари табиийдек ҳамда лойиқ деб билинган жуда кўп

нарсалар энликда нолайик бўлиб қолади ва ўсмирлар норозилик ва қаршилиқ билдирадлар. Ўзбек психологиясининг аниқлашича тарбияси қийин ўсмирларнинг психик тараққиётини ҳаракатга келтирувчи кучлар уларнинг фаолиятлари тўғридан янги эҳтиёжлар билан бу эҳтиёжларни қондириш имкониятлари ўртасидаги диалектик қарама-қаршилиқларнинг юзага келиши ва бартараф қилинишидан иборатдир. Бу қарама-қаршилиқлар тарбияси қийин ўсмирларнинг ортиб бораётган жисмоний, интеллектуал ва ахлоқий имкониятлари билан уларнинг эски, илгари таркиб топган ташқи олам билан ўзаро муносабат формалари, улар фаолиятининг эски қарама-қаршилиқлар ўсмирларнинг ортиб бораётган жисмоний, интеллектуал ва ахлоқий имкониятлари билан уларнинг эски, илгари таркиб топган ташқи олам билан ўзаро муносабат формалари, улар фаолиятининг эски қарма-қаршилиқлар, жамият, катталар ва коллектив томонидан тарбиячи қийин ўсмирга нисбатан ортиб бораётган талаблар билан ўсмирлар реал ҳатти-ҳаракатларининг формалари ўртасидаги қарма-қаршилиқлардир? Бу қарама-қаршилиқлар анча юксак даражадаги психиктараққиётни, анча мураккаб шаклдаги фаолият турларини ва шахсининг қатор янги психологик сифатларини таркиб топтириш орқали бартараф қилинади.

Ota-onalarning o'z hayotlari, turmush tarzlari bola shaxsidagi ilmiy dunyoqarash asoslari ma'naviy, ahloqiy, nafosat, mehnat va boshqa ijtimoiy ta'sir ko'rsatish jarayoniga oilaviy tarbiya deyiladi. Respublikamizning ma'naviy hayoti va uning o'ziga xos tomonlari muttasil rivojlanmoqda. Shaharlarning ko'payishi, aholi o'sishi yashash sharoitining yaxshilanishi madaniy va moddiy tomondan yuksalishi oilalarning yuksalishiga va bolalarning har tomonlama yetuk inson bo'lib kamoltopishiga sabab bo'lmoqda. Ko'p bolalilik avvaliga nisbatan kamayib borayotganiga qaramay, hali ham bu ko'rsatkich o'z kuchini yo'qotgani yo'q. Mehnatkash

xalqimiz "Bolali uy bozor, bolasiz uy mozor" deb bejiz aytishmagan. Sir emas Markaziy osiyo respublikalarida, jumladan o'zbekistonda ko'p bolalikdan 3-4 taga keyin 1-2 taga o'tish fakti yil sayin ko'paymoqda. Pedagogik jihatdan yakka bolalik tarbiyani qiyinlashtiradi. oiladagi yakka farzand kattalarni "jonli o'yinchoqlari", sevgi va ururlari, erkatoylari bo'lib vogo'yaga yetadi. Bu qanday salbiy oqibatlariga olib kelishini tahlil qilaylik:

1. Ijtimoiy va ruhiy nuqtai nazardan bolasizlik yoki kam bolalik oila mustahkamligini barbod qiladi. Respublikamizdagi ajralishlarning aksariyati yo bolasi yo'q yoki kam bolali oilalarga to'g'ri keladi.

2. Tibbiyot borasidagi tadqiqotlar va antropogen omillarning ko'rsatishicha hayot qiyinchiliklarini bartaraf eta oladigan bolalar deb oiladagi ikkinchi yoki uchinchi bola belgilangan. Yakka bola bilan chegaralanish kelajakda deffektli shaxslarning ko'payishiga olib keladi. A.S.Makarenko ta'kidlaganidek "Qat'iy aytish mumkinki yog'iz o'g'il yoki qiz tarbiyalash bir necha bolani tarbiyalashga qaraganda ancha qiyin ish. Agar moddiy jihatdan bir muncha qiynalganda ham yolg'iz bola bilan kifgo'yalanib qolish yaramaydi. "Agar oilada o'zaro yordam, bir biriga ishonch holati mavjud ekan, bunday oilada samimiy, mehribon, o'rtoqlariga doim yordam berishga tayyor bo'lgan inson kamol topadi. O'zida odobli kishiga xos fazilatlarni mujassamlashtirgan kishilarning oilalarida doimo huzur-halovat va samimiy hurmat qaror topadi.

Psixologiya fani faqat nazariyagina emas, amaliyotni ham qamrab oluvchi ko'p tarmoqli belgilar majmuidan iborat bo'lib, turli tuman fanlar uyunlashtirilgan holda tadqiqotlar olib borishni taqazo etadi. Ana shunday tadqiqotlarning xulosalari psixologiyaning umumnazariy va metodologik konsepsiyalarini qayta mushohada etish imkonini yaratadi. Ma'lumki mashhur qaxramon ham, ashaddiy jingo'yatchi ham onadan shunday tuilmaydi. Balki o'sib ulaygandan keyin u yoki bu yo'lga kiradi, demak

fazilat yoki illatlarning shakllanishida ijtimoiy omillar, tarbiya, ta'lim, atrof-muoit ta'siri yetakchi rol o'ynaydi. Bizni voyaga yetmagan o'smirning jingo'yatchilik yo'lga kirib ketish sabablari qiziqtirar ekan, qonun bilan taqiqlangan jinoiy xatti-harakatni vujudga keltiruvchi faoliyatlarga emas, balki uning muqaddamasidagi ayrim faoliyatlarni ham e'tiboriga olish lozim. Voyaga yetmagan o'smirlarning jinoiy ishlar qilishiga tarbiyaning, oilaning, muayyan ijtimoiy guruhning ta'siri muhim hisoblanadi. Masalan: Nosog'lom muhitda o'sgan va tarbiya topgan bitta odamning bezori xulqi boshqa shaxslarda ehtirolarning alanga olishiga yomon ta'sir uchun uchqun vazifasini o'taydi. Qotillikka qo'l urgan shaxslarning psixologiyasi aksariyat hollarda uning boshqa shaxsga tobeligidan dalolat beradi. Qotillar umuman olganda hayotga erkin, o'zgalarning yordamisiz moslasha olmaydigan, qiyin muammo qarshisida ojiz qoladigan odamlar toifasiga mansubdir.

Nomaqbul tashqi shart-sharoitlar hamda o'smir psixikasidagi muayyan muammolar va notanish idrok natijasida uning tarbiyasi og'irlashadi. Nomaqbul shart-sharoitlarga ota-onalarning axloqqa zid xulq-atvori, oila, maktab tarbiyasidagi xatolarni kiritish mumkin. Biroq yomon ota-onaning bolasi albatta yomon bo'ladi deb hisoblash xatodir. O'smir nomaqbul tashqi ta'sirlarni o'zi istaganicha rang barang tarzda idrok etadi va o'zlashtiradi. U salbiy ta'sirlarni qabul qilmasligi, rad etishi, ularga qarshi kurashishi mumkin. Odatda dastlabki tergovda voyaga yetmagan xuquqbuzarning shaxsi quyidagi reja bo'yicha o'rganiladi:

1. Nasliy biologik omillar: ota-onalardan birining asab va psixik kasalliklarga moyilligi, xomiladorlik qilishning salbiy ta'siri va hokazolar.

2. O'smirning eng yaqin ijtimoiy iqtisodiy mavqelari, oiladagi o'zaro munosabatlar, ular tanlagan qadriyatlar, o'smirlarning tarbiyalanish xususiyatlari, maktabga, o'qishga munosabat, o'smirning sinfdagi tutgan

o'zni, sinfdoshlarining ma'naviy yo'nalganligi, do'stlar, ularning ijtimoiy mavqei, do'stlar guruhida o'smirning mavqei.

3. O'smirning shaxsiy ta'rif tasnifi: xarakteri va temperamentining xususiyatlari, qadriyat motivatsiya majmui, o'smirning qanday qadriyatlarga yo'nalganligi, da'volarining darajasi, o'z-o'zini baholashi va o'z-o'zini baholashdagi murosasizlik ehtimollari, kasbkorga munosabati, xuquqiy ongi.

4. Voyaga yetmagan gumondor yoki ayblanuvchining turmushi va tarbiyaviy sharoitlarini bilib olish uchun boshqa sohalarning: oilasi, ish yoki o'qish joyini ham o'rganish lozim. O'smir jinoyat sodir etgunga qadar darslarga qatnaganligi, maktabda nimalarga qiziqqan, jamoatchilik topshiriqlariga qanday yondashardi, boshqa maktabdoshlari bilan muomalasi qanday edi, odamlarga kirishuvchan yoki ichimdagini top, rostgo'y yoki saxiy, jamoa fikrini inobatga oladimi, o'qituvchilari va ota-onalarga bevosita munosabati qanday bularning hammasini surushtirib bilish talab qilinadi. Agar o'smir ishlaydigan bo'lsa, qachondan beri va qanday ishni bajarishini, ishga qanday munosabatda bo'lishini, ish haqqi miqdorini, turar joyi sharoitlarni, qiziqishini, mehnat intizomini ko'rilgan jazo choralari qanday munosabatda bo'lganini va hokazolarni atroflicha o'rganish zarur. So'roqning muvaffaqiyatli natijasi so'roq o'qilinadigan joyni, shart-sharoitlarini tanlashga ko'p jihatdan uni qo'rqitadigan shart - sharoitlarga yo'l qo'yib bo'lmaydi. Voyaga yetmagan o'smirning yoshiga xos xususiyatlarini e'tiboriga olmay o'tkaziladigan yuzlashtirish ko'zda tutilganiga nisbatan teskari natija berishi mumkin.

Катта ва кичик мактаб ёшига қараганда ўсмирлик ёши таълим ва тарбия учун анча қийин ҳисобланади. Шунинг учун ўсмирлик ёши ўзаро муносабат формаларида фаолиятни ташкил қилишда катталар томонидан хусусан ўқитувчилар, ички ишлар ходимлари, тарбиячилар томонидан раҳбарлик қилишда қатъий ўзгаришларни талаб қилади.

Ўсмир ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш ишларида гоҳо учрайдиган қийинчиликлар бу ёшдаги болаларнинг психик ривожланиши қонуниятлари баъзан етарли даражада билмаслик ёки инкор қилиш натижасида пайдо бўлади. Мазкур қийинчиликларни батафсил ўрганиш мақсадида тарбияси қийин ўсмирлар билан ишловчи ходимлар ўртасида сўровнома ўтказдик. Сўровнома бир нечта саволларни ўз ичига олади.(Сўровнома илова қилинади.)

Сўровномада Қарши шаҳри, Қамаш ва Шахрисабз туман ИИБ, вояга етмаганлар билан ишлаш инспекцияси ходимлари, тарбияси оғир болалар билан ишловчи ўқитувчилар ҳамда меҳрибонлик уйларидаги тарбиячилар иштирок этишди.

Уларнинг берилган саволларга жавоблари нисбатан мос келади. Масалан: тарбияси қийин ўсмирларнинг хусусиятлари нималарда намоён бўлади? деган саволга

-ИИБ ходимлари; Энг аввало уларнинг юриш-туришида, характерида, жамоада ўзини тутишида, ёмон одатларни ўзига касб қилиб олишида, сигарет чекишлари, ўғирлик қилишлари, фикрлаш доираси (билим савияси паст) лекин катта одамларникдек.

-Ўқитувчилар; Улар катталар томонидан бериладиган тарбиявий танбехларни тўғри қабул қилмасликлари, гап қайтариши, уйдан сўроқсиз чиқиб кетиш, номаъқул дўстлар ортириш, мактабда ва дўстлари орасида ўзини кўрсатишга интилиш, дарсларга сабабсиз келмаслик.

-Меҳрибонлик уйи тарбиячилари; унинг характерида, сўзлашиш маданиятида, ажратилган гуруҳларда ўқиётган тарбияланувчиларга муносабатида ва тенгқурларидан ажралиб туришга ҳаракат қилишларида.

Тарбичси қийн ўсмирлар билан ишлашда сиз қўллайдиган усул?

-ИИБ ходимлари; Вояга етмаган ўсмирлар мактабидан ҳамда яшайдиган маҳалласидан тушунтириш хати олинади ва тушунтириш ишлари олиб борилади. Ўсмир оғоҳлантирилади ва доимий назорат қилиш учун профилактик ҳисобга олинади. Мажбурий тўғаракларга қатнаштирилади.

- Ўқитувчилар; Уларнинг руҳий ҳолатини ўрганиб омилларни аниқлаш, статусга эга бўлган ёшларга бириктирамыз. Тушунтириш ва ишонтириш усулларида фойдаланамиз, бўш вақтларини мазмунли ўтказишга ҳаракат қилиш, улар билан ишлашда уларни ички кечинмаларини, руҳий ҳолатини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

-Меҳрибонлик уйи тарбиячилари; улар билан суҳбат олиб бориб, уларга тартиб қоидалар ўргатилади ва қаттиқ оғоҳлантирилади, тарбиячи ўсмирни кузатади, хатти-ҳаракатларини назорат қилади, ҳаракатлари тушунтирилади ва оғоҳлантирилади.

Тарбияси қийин ўсмирлар билан ишлаш давомида руҳиятингизда қандай ўзгаришлар содир бўлади?

-ИИБ ходимлари; Кўпинча атрофдаги ўсмирлар хусусан фарзандларимга ҳам тарбияси қийин ўсмир сифатида муносабатда бўлман, руҳий толиқман, атроф-муҳитга таъсирчанман, кайфиятим озроқ бузилади, баъзида бу касбни танлаганимдан афсусланман.

-Ўқитувчилар; Баъзида бу касбни эгаллаганимдан афсусланман, ўзим билан ўзим доим курашман, касбим ва шахсий ҳаётимни яқка тартибда олиб боришга ҳаракат қиламан ва бундан қаттиқ чарчайман.

-Меҳрибонлик уйи тарбиячилари; Руҳий толиқамиз, атроф муҳитга таъсирчанмиз, асабий кайфиятдаман.

Тарбияси қийин ўсмирлар билан ишловчи ходимларда юзага келадиган руҳий зўриқишни йўқотиш учун муҳитни тинглаш, ўзи

ёқтирган машғулотлар билан шуғулланиш, табиат қўйнида сайр қилиш, дилкаш инсонлари билан суҳбатлашиш самарали натижа беради.

2.2. Тарбияси қийин ўсмирлар билан ишлашнинг психологик хусусиятлари

Тарбияси қийин ўсмирларга таълим ва тарбия беришнинг янги, инновацион тўғри усуллари ҳамда воситаларини топиш учун ўсмирлик ёшининг ўзига хос хусусиятларини, жисмоний ва психик тараққиёт хусусиятларини яхши билиш лозим. Ўсмирлик ёшининг мазмуний характеристикаси вақт ўтиши билан ўзгариб боради, чунки инсон ҳаётининг биологик ва хусусан ижтимоий шароитлари ўзгаради. Ижтимоий шароит бизда ва капиталистик мамлакатларда ҳам турлидир. Шунинг учун бизнинг мамлакатимиздаги ўсмирларнинг ёш хусусиятлари, бошқа мамлакатдаги ўсиб ривожланаётган ўсмирларнинг хусусиятларидан фарқланади. Болаларнинг жисмоний ва психик тараққиётидаги ўзгариш ўсмирлик ёшига таъсир қилади.

Ҳозирги давр ўсмирлари ўзларининг бундан 30 йил олдинги тенгдошларига нисбатан анча йирик, новча ва кучли бўлдилар. Жисмоний етилиши ҳам бундан бир неча ўн йиллар олдингиларга нисбатан энди бир ярим, икки йил илгари бошланадиган бўлди.

Ўзбек педагоглари ва психологларининг ўсмирлик ёшидаги болаларнинг психологик хусусиятларига бўлган қарашлари Ғарб давлати психологларининг қарашларидан анча фарқ қилади. Ўсмирлик ёшига баҳо беришда кўпинча хорижий мамлакатларнинг психологлари бу ёшдаги одамга азалдан хос бўлган қандайдир дастлабки майл сифатида пайдо бўладиган ўз-ўзини тасдиқлашга онгсиз интилишни асос қилиб оладилар. Бу уларнинг фикрича, гўё албатта худбинликка, бошқа кишиларни назар писанд қилмаслик ҳиссини юзага келишига, теварак атрофдагилар билан келишмасликка ҳамда шунинг билан бирга кўпинча яққаланишга интилишга олиб келади. Ўзбек ўсмирларида баъзан уларнинг имкониятлари билан талаб даражаси ўртасида

келишмовчилик пайдо бўлади. Ўзбек миллати ўсмирларига ўз-ўзини тасдиқлашга мойил бўлган ҳолат ва ўз ички дунёсига бўлган кизиқишнинг пайдо бўлиши характерлидир.

Бу ўсмирлар шахсий тажрибасининг мураккаблашуви, уларнинг жамиятда тутган ўрна ва теверак-атрофдаги олам билан бўлган ўзаро муносабатларининг ва уларнинг ахлоқий ҳамда интеллектуал тараққиётлари ўзгаришининг натижасидир. Тарбия тўғри ташкил қилинса, бу ҳодисалар шахснинг ҳеч қандай инқирозга учрашини юзага келтирмайди.

Ғарб психологлари тарққиётнинг биологик омилларига ва ўсмирлар онгига оғир, баъзан кучи етмайдиган юк бўлиб тушадиган, уларни жиддий психологик инқирозга ва ҳаяжонга соладиган, масалан, тарбияси қийин ўсмирлар учун характерли бўлган – норозилик, қўполлик ва қайсарлик, шавқатсизлик, тажанглик, фойдасиз равишда ўз-ўзини анализ қилишга мойиллик ва шунинг каби ҳислатларни юзага келтирадиган жинсий етилишга ниҳоятда катта аҳамият берадилар. Жинсий етилиш муносабати билан пайдо бўладиган янги сезгилар, фикрлар, майллар, кечинмалар, тарбияси қийин ўсмирлар онгига ҳукмрон бўлади, уларнинг бутун хатти-ҳаракатларини, хулқ-атворларини белгилайди. Мана шу тариқа, оқибат натижасида тарбияси қийин ўсмирларнинг психологик қиёфалари асосан ёлғиз соф биологик омил бўлмиш жинсий етилиш нажисасидир деб қаралади. Равшанки, ўсмирлик ёшини мана шундай тушунтириш билан биз келиша олмаймиз.

Бизнинг нуқтаи-назаримизча, юқорида кўрсатилган биологик омиллар, албатта, маълум роль ўйнайди, лекин уларга ҳал қилувчанлик даражасида аҳамият бериб бўлмайди ва шунинг билан бирга ижтимоий тараққиёт шароитларини инкор қилиб бўлмайди. Тарбияси қийин

Ўсмирлар ҳаёти даврида 3та асосий ижтимоий – ахлоқий анъана мавжуд деб ҳисоблайди, ғарб давлати психологлари. Уларнинг фикрича:

1. Катталар таъсиридан қутилиш ва мустақилликка эришиш;
2. Ўзининг ҳаёт йўлини ва касбини танлаш муаммосига жиддий муносабатда бўлиш;
3. Айрим ижтимоий-ахлоқий нормаларни ўзларича мустақил ўзлаштириш.

Ўзбек психологларининг фикрича, ўсмирларнинг ёш психологик хусусиятлари фақатгина ёлғиз биологик жиҳатдан етилиш ва тараққий этишнинг натижаси бўлмай, балки, боланинг ижтимоий ҳаёт шароитлари ва фаолиятининг ўзгариши ҳамда бу жиҳатдан янги ижтимоий омилларнинг пайдо бўлиш натижасидир. Тарбияси қийин ўсмирларнинг тараққиётига унга бериладиган таълим ва тарбия жуда катта таъсир кўрсатади. Жуда кўп нарса мактабдаги таълим-тарбия ишларининг йўлага қўйилишига боғлиқ бўлади. Бироқ тарбияси қийин ўсмирларнинг ёш характеристикаларини, фақат уларга таълим ва тарбия беришни конкерт ташкил қилишнинг ва ўсмирларнинг конкерт ҳаёт шароитлари ва фаолиятларининг маҳсули деб қараб бўлмайди, бошқача қилиб айтганда, ижтимоий шароитлар ролини, конкерт ҳаёт шароитлари ва фаолиятларининг ролига абсолютлаштириб бўлмайди. Тараққиётнинг асосий йўлини болаларнинг ўсмирлик давридаги тараққиётнинг асосий характеристикасини ажратиш мумкин.

Даставвал шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бу ёшдаги интенсив ва шунинг билан бирга нотснис жисмоний тараққиёт амалга ошади. Ўсмирларнинг ўтиш даври организмнинг жўшқин ўсиши ва ривожланиши давридир. Бу даврда тананинг интенсив ўсиши (қиз болада 13 ёш, ўғил болада 15 ёш тўғри келади) юзага келади. Бу даврда

боланинг мускул аппарати такомиллашади ва скелетнинг суякланиш жараёни давом этади.

Ўсмирлик ёшидаги жисмоний тараққиётнинг энг муҳим факти жинсий етилиш, яъни жинсий безларнинг ишлай бошлашидир. Жинсий етилишнинг бошланиши кўп жиҳатдан иқлимга ва миллий этнографик омилларга ва шунинг билан бирга индивидуал ҳаёт хусусиятларига боғлиқдир.

Мутлақо тушунтиришни, агар 15-16 ёшга келиб, жинсий етилиш даври тугалланса, организм ўзига ўхшаш мавжудодни юзага келтиришга қобил бўлади. Лекин, бу ёшда равшанки жисмоний ҳамда фуқаролик жиҳатдан етилганлиги ҳақидаги гап бўлиши мумкин эмас. Шундай қилиб, ўсмирлик ёшидаги жинсий етилиш билан тегишли инстинклар сенсуал (шахвоний) бўёқларга бўлган ҳиссиётлар ва интилишларнинг намоён бўлиши ҳамда психик ва ижтимоий етилиш ўртасида номослик юзага келади, бу ёшнинг қийинлиги ва хавфлилиги ана шундадир.

Ўқитувчилар, тарбиячилар, синф раҳбарлари даставвал шуни эътиборга олишлари керакки, жинсий етилиш организмнинг жисмоний тараққиётига таъсир қилишидан ташқари ўсмирнинг психик тараққиётига ҳам албатта таъсир қилади. Ўсмирларда жинсий етилиш муносабати билан шу пайтгача уларга номаълум бўлган ва қандайдир маънода улар учун кутилмаган жинсий майиллик ва тегишли фикрлар, ҳислар, кечинмалар, қарама-қарши жинсга специфик қизиқиш, маълум мазмундаги китобларга, кинофильмларга, катталарнинг гапларига бўлган қизиқишларнинг пайдо бўлиши мутлақо зарур ва нормал ҳолдир.

Бу тарбияси қийин ўсмирлар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларини ташкил қилишда бу ёш учун ҳисобга олиниши лозим бўлган муҳим психологик хусусиятлардан биридир.

Ўсмирлик ёши – бу ақлнинг синчковлиги, билимга иштиёқ билан интилиши, куч – ғайрати қайнаган, жўшқин активлик ва фаолиятга ташналик давридир. Жисмоний ривожланиш хусусиятлари муносабати билан ўсмирлик ёши учун характерли бўлган характернинг баъзан мувозанатсизлигини кучли қўзғалувчанлигини, кайфиятнинг нисбатан тез ва кескин ўзгарувчанлигини қайд қилиш мумкин.

Бу ҳислатлар жўшқин ҳаракат ва активлик билан қўшилиб, интизомнинг ва вазминликнинг етишмаслиги асосида кўпинча болалар коллективида шовқин-суронга, енгилтак қилиқларга, қий-чув тўполонга, зинапоялар бўйлаб югуришга ва шунинг кабиларнинг намоён бўлишига олиб келади.

Ўсмирлик ёшида характернинг иродавий ҳислатлари, яъни матонат, мақсадни амалга оширишда қатъийлик ва қийинчиликларни енга олиш каби ҳислатлари сезиларли даражада ривожланади. Ўсмир кичик мактаб ёшидаги ўқитувчидан фарқ қилиб фақат айрим иродавий ҳаракатларгина эмас, балки иродавий фаолиятига ҳам қобилдир.

О‘smirlik davrining alohida vaziyati uning nomlarida ifodalanadi: «o‘tish», «keskin o‘zgaruvchan», «mushkul», «tanqidiy». Ularda bu yoshda sodir bo‘ladigan rivojlanish jarayonlarining murakkab va muhimligi qayd etilgan. Bu hayotning bir davridan boshqasiga o‘tish bilan bog‘liq. Inson rivojlanishining barcha yo‘nalishlari bo‘yicha (jismoniy, aqliy, ruhiy, axloqiy, ijtimoiy) katta sifat va miqdoriy o‘zgarishlar ro‘y beradi.

О‘smir shaxsi rivojlanishning muhim omili – uning shaxsiy faolligi – shaxsiyat, o‘zini e‘tirof etish va aniqlash jarayoni faol kechadi – biroq bu jarayon bir tekis emas.

Bir tomondan o‘smirlarda «kattalik» namoyon bo‘la boshlaydi, boshqa tomondan esa hali «bolalik» qoladi. O‘smirlarning rivojlanishining umumiy

yoʻnalishlari turlicha boʻlishi va har bir yoʻnalish koʻplab variantlarga ega boʻlishi mumkin. Bu masala muhim pedagogik ahamiyatga ega.

Oʻsmirlik yoshida muhim oʻzgarishlar roʻy beradi, ular organizmning jismoniy oʻsish va biologik voyaga etishi bilan bogʻliqdir.

Oʻzini endi bola emas, katta deb his qilish, katta boʻlishga harakat qilish oʻsmir shaxsiyatidagi markaziy va spesifik yangilik hisoblanadi. Kattalik hissi deb ataluvchi xususiyatning oʻziga xosligi shundaki, oʻsmir oʻzining bola ekanligini inkor etadi. Garchi atrofdagilar uni katta deb eʼtirof qilishini istasa-da, oʻsmirda hali unda haqiqiy va toʻlaqonli kattalik hissi yoʻq.

Spesifik yangidan shakllanish sifatida kattalik hissi – shaxsning asosiy xususiyatidir. Chunki u oʻsmirning oʻziga, odamlar va dunyoga munosabatida yangi hayotiy nuqtai nazarni ifodalaydi, uning ijtimoiy faolligi, bir meʼyor va qadriyatlardan boshqasiga – bolalarnikidan kattalarnikiga moslashishdan iborat spesifik yoʻ- nalistni belgilaydi.

Oʻsmirning kattalarga oʻxshashga urinishi tashqi tomondan ular kabi boʻlish, kattalar hayoti va faoliyatining ayrim taraflariga qoʻshilishda kattalar xislatlari, malakalari, xulqlari, mavqelarini oʻzlashtirishga harakat qilishida namoyon boʻladi.

Oʻsmirning yangi huquqlarga daʼvosi, avvalo, kattalar bilan oʻzaro munosabatlarning butun muhitiga oid boʻladi. Oʻsmir avval bajonidil bajaradigan talablarga endi qarshilik koʻrsata boshlaydi: uning mustaqilligini cheklashganda, vasiylik qilishganda, yoʻnaltirishganda, nazorat qilishganda, quloq solishni talab qilishganda, jazolashganda, uning qiziqishlari, munosabat-lari va fikrlari bilan hisoblashishmaganda u xafa boʻladi va norozilik bildiradi. Oʻsmirda oʻz qadrini bilish hissi paydo boʻladi va u oʻzini kamsitish, mustaqillik huquqidan mahrum qilish mumkin boʻlmagan inson, deb biladi. Bolalikdagi kattalar bilan munosabat turi oʻzgaradi, uning oʻz

kattaligi darajasi haqidagi tasavvurlari bilan mos kelmay qoladi. U kattalar huquqini cheklaydi, o'zini esa kengaytiradi. kattalarning shaxsi va insoniylik qadrini hurmat qilishlarini xohlaydi, ishonch va mustaqillik namoyon etishga da'vo qiladi, ya'ni kattalar bilan ma'lum tenghuquqlilikka va ularning shu narsani tan olishiga erishishga harakat qiladi.

Kattalar bilan munosabatlarning yangi me'yorlari – o'smirning etik dunyoqarashini shakllantiruvchi muhim asosdir.

Agar kattalarning o'zlari tashabbus ko'rsatsa yoki o'smirning talablarini hisobga olib, unga nisbatan munosabatini o'zgartirsagina, yangi turdagi munosabatlarga o'tishning maqbul shakli Yuzaga keladi.

Tengdosh bolalarning prinsipial tenglik holati mazkur munosabatlar muhitiga nisbatan o'smirda alohida qiziqish uyg'otadi, bu hol o'smirda Yuzaga keladigan shaxsiy kattalik hissining etik mazmuniga mos keladi. O'smirda kattalarga nisbatan tengdoshlariga ko'proq tushunarliroq va yaqinroq bo'lgan qadriyatlar shakllanadi. Kattalar bilan muloqot tengdoshlar bilan muloqotning o'rnini bosa olmaydi.

O'smir uchun tengdoshlar bilan muloqot u mustaqil harakat qilgan o'zining shaxsiy munosabatlari muhitiga ajraladi. U bunga haqqim bor, deb o'ylaydi, o'z huquqlarini himoya qiladi va aynan shuning uchun ham kattalarning o'rinsiz, qo'pol aralashuvi xafagarchilik va norozilikka olib keladi.

O'smirda bir tomondan tengdoshlar bilan muloqot qilish va hamkorlikdagi faoliyatga intilish yaqqol namoyon bo'ladi. Jamoa hayoti bilan yashash, yaqin o'rtoqlar, do'stga ega bo'lish xohishi – do'stlar tomonidan qabul qilingan, tan olingan, hurmat qilingan bo'lishdek kuchli xohishdir. Bu muhim talabga aylanib boradi.

O‘smir uchun eng yoqimsiz vaziyat – jamoa va o‘rtoqlarining noroziligi, muloqot qilishni istamaslik, eng og‘ir jazo esa – ochiq yoki nooshkor aloqa uzish, gaplashmaslikdir.

O‘smirlar do‘stlik kodeksining muhim me‘yorlari – sha‘nini hurmat qilish, tenglik, sodiqlik, do‘stga yordam, to‘g‘ri so‘zlik.

Do‘stlik me‘yorlarini egallash bolaning o‘smirlikdagi muhim yutug‘idir.

Maktab va o‘qish o‘smir hayotida katta o‘rin egallaydi. Lekin o‘qishning muhim va zarurligini anglaganligiga qaramay turli bolalar bu masalaga har xil qaraydi. Ko‘pchilik uchun maktabning qiziqarliligi tengdoshlar bilan keng muloqot qilish imkoniyati tufayli ortadi, lekin o‘qishning o‘ziga bundan ko‘p zarar etadi. O‘smir uchun dars – faqat 45 daqiqalik o‘quv emas, balki ko‘plab muhim harakatlar, baholar, kechinmalar bilan boyigan sinfdoshlar va o‘qituvchi bilan muloqot vaziyati hamdir.

O‘rta maktabga o‘tish bilan o‘smirlarning o‘qishi sezilarli darajada murakkablashadi: bitta o‘qituvchi o‘rniga besh–oltita yangisi paydo bo‘ladi, ularning tushuntirish va so‘rash usuli ham, o‘quvchilarga talab va munosabati ham har xil. Buning ustiga o‘qituvchilar ularni avvaliga yaxshi bilmaydilar, natijada «sevimli» va «sevimli bo‘lmagan» o‘qituvchilar paydo bo‘ladi.

Ўқитувчилар ўқувчилар асаб тизимининг пластиклик хусусиятига эга эканлигини, унинг ҳар қандай таъсирларга берилувчанлигини назарда тутиб, ўқувчилар шахсидаги салбий ҳислатларни йукотиш мумкинлигига катта ишонч ҳосил қилиши керак.

Бу уринда ёшларнинг гоъвий маслагини ҳисобга олиш ҳам нихоятда муҳимдир. Ўқувчи индивидуаллигини шахс мазмунига, аввало унинг гоъвий маслаги, яъни унинг кизикишлари, идеалларини билиш керак. Ёшларга индивидуал муносабатда булишда ижтимоий

маслак сифатида уларнинг ижтимоий кизиқишларини билиш айниқса муҳимдир...

Tarbiyasi qiyin o'smirlar shakllanishining yana bir asosiy omili bu o'smirlarning shaxsiy psixologik xususiyatlaridir:

1. Sangvinik temperamentdagi o'smirlarda his-tuyg'ular tashqi ko'rinishda yorqin ifodalangan bo'ladi: Ma'noli mimika, aniq imo-ishora, tez harakat qilish, tez gapirish, beqarorlik, harakatchanlik, chaqqonlik. Sangvinik, o'smirlarning kayfiyati tez o'zgaradi. Bu tipdagi o'smirlar boshqalar bilan tez topishib ketadi. Ularda o'quv ishlarida, mehnatda va jamoat ishlarida faollikni tarbiyalash lozim. Ularni boshqa ishlarga berilib ketmasligi uchun doimo nazorat qilish va kuchi yetadigan ish bilan band qilish kerak.

2.Flegmatik temperamentdagi o'smir og'ir, vazmin, harakatlari salmoqli bo'ladi. Ular boshlagan ishini oxiriga yetkazadi. Flegmatik tipdagi o'smirlarda barcha psixik jarayonlar sust rivojlangan bo'ladi. Ularning jahlini chiqarish yoki ranjitish qiyin, ba'zi hollarda bu temperamentli o'smirlarda mehnatga, tevarak atrofga, hayotga kishilarga va o'ziga nisbatan beparvo munosabat hollari uchraydi. Shuning uchun ulardagi sovuqqonlik, beparvolik, bo'shanglik, faoliyatsizlikning nomoyon bo'lishga yo'l qo'ymaslik kerak.

3.Xolerik temperamentdagi o'smirlar chaqqon, harakatchan, qo'zgaluvchan bo'ladilar. Ularda barcha jarayonlar tez sodir bo'ladi. Bu tipdagi o'smirlar hissiyotlari kuchli, yorqin ifodalanib tez paydo bo'ladi, ba'zan kayfiyati keskin o'zgaradi. Xolerik tipdagi o'smir boshqalar bilan munosabatda qat'iylik, serjahllik va o'zini tuta olmaslikka yo'l qo'yadi. Natijada kishilar xatti-harakatini ob'yektiv baholay olmaydi va ziddiyatli vaziyatlar tug'diradi. Haddan ortiq dangallik, serjahllik, ko'ngilga qattiq tegadigan so'zlar ishlatishi tufayli bunday o'smirlarni jamoada

yoqtirmaydilar. Xolerik tipdagi o'smirlardan doimo muloyimlik bilan, ammo qat'iyatli, shoshilmay, o'ylab javob qaytarishlarini talab qilish, ular xatti-harakatlarida o'rtoqlari va kattalar bilan bo'lgan munosabatlarida o'zini tutishlikni tarbiyalab borish lozim. Bunday o'smirlardan mehnat faoliyatida izchillikni va ishda tartibli bolishni tarbiyalash hamma topshiriqlarni ish mobaynida yaxshi bajarishlarini talab qilish lozim.

4.Melanxolik temperamentdagi o'smirlarda psixik jarayonlarning sust o'tishi qayd qilinadi. Ular kuchli qo'zovchilarga qiyinchilik bilan javob qaytaradilar, diqqatlarini bir narsaga uzoq vaqt va kuchli jalb eta olmaydilar. Bunday tipdagilar ishga passiv, kam qiziquvchan bo'ladilar, ularda hissiyot va hayajonli holatlar keskin paydo bo'ladi va chuqur, davomli bo'ladi. Ularni ranjitish oson, xafagarchilikka bardosh bera olmaydilar. Melanxolik tipdagi o'smirlar odamlar bilan aralashmaslikka va yolgizlikka moyil bo'ladilar lekin odatlangan sharoitda o'zlarini erkin his qiladilar va unumli ishlaydilar. Shuning uchun bunday o'smirlarda odamga el bo'lishlikni o'stirish, jamoada do'stlik va o'rtoqlik hislarini tarbiyalash zarur, chunki ular osonlikcha yakkalanib, o'z kechinmalariga berilib ketishi yoki jamoadan chetga chiqib, salbiy ta'sirlarga tushib qolishi mumkin.

Хулосалар ва тавсиялар

Соғлом бола оилада шаклланади ва камол топади. Бу ўринда ота-онанинг психологик-педагогик билими, дунёқараши ҳамда маданияти етакчи омил ҳисобланади.

Педагогик қаровсизлик ҳам оиладан бошланади. Оила, мактаб ва маҳалланинг ҳамкорлиги давр талаби даражасида бўлмаса, айниқса, ота-онанинг ўзаро муносабатларидаги нуқсонлар бола руҳиятига салбий таъсир кўрсатади.

Психология фанида ўз-ўзини тарбиялашнинг мотивлари чуқур ўрганилган бўлиб, “ Мактаб- оила” ҳамкорлиги доирасида болани ўз-ўзини тарбиялаши, яъни ўз-ўзини идора этиши, ўз-ўзини тўғри бошқариши, ўз фаолиятини таҳлил қилиб, ўз-ўзига баҳо бера олиши муҳим омил саналади.

Боланинг назоратсизлиги ҳамда қаровсизлиги девиант хулқ- атворни келтириб чиқарувчи омил ҳисобланади. Бу жараёнда асосан ота-она, уларда бола тарбиясига нисбатан бефарқлик сабаб бўлади. Боланинг иш ва бўш вақти уни мақсадли йўналтиришда тарбия муассасаси ота-оналар билан яқиндан ҳамкорлик қилиши лозим. Болага бўлган муносабат, яъни уни эшитиш, эҳтиёжларини ўрганиш, мумкин ва мумкин эмасларни психологик талаблар даражасида бўлиши талаб этилади.

Мамлакатимизда ўзига хос изчиллик билан амалга оширилаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислоҳотларнинг туб негизида энг аввало ҳар бир инсоннинг кадр-қиммати, ақл-заковати, маънавий салоҳияти ва ўзига хос ижтимоий психологик тараққиётига хизмат қилувчи омиллар ётади.

Биламизки, ҳаётда яхши нарсаларга эга бўлмоқчи бўлсак, шунга мос бўлган тўловни тўлашимиз талаб этилади. Юқорида санаб

ўтилган даражадаги ҳаёт тарзига эга бўлишни хоҳлаган инсон, яхши касбни эгаси бўлиши, бу эса яхшигина “тўловга” қодир бўлишини талаб этади. Бу ерда “тўлов” тушунчаси остида: билимга чанқоқлик, меҳнатсеварлик ва тиришқоқлик фазилатлари тушунилади. Бу сўзлар кўпчиликка таниш ва анча сийқаси чиққандек туюлиши мумкин, лекин фаровон ҳаётга эришишнинг бошқача йули мавжуд эмас!

Илмий адабиётларни таҳлил этиб ва тарбияси қийин ўсмирлар билан ишловчи ходимларнинг фаолиятларини ўрганиб қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Тарбияси қийин ўсмирлар билан ишловчи ходимларнинг психологик билимларини ва малакаларини ошириш зарур.

2. Бу соҳага педагогик мойиллиги мавжуд ва болалар билан ишлашни ёқтирадиган ходимларни ишга қабул қилиш керак.

3. Тарбияси қийин ўсмирлар билан ишловчи ходимлар учун махсус адабиётлар ва усуллар ишлаб чиқиш.

4. Тарбияси қийин ўсмирлар билан ишловчи ходимлар руҳиятида кучли зўриқиш юзага келиши аниқланди.

Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб қуйидаги тавсиялар берилди:

- Бугунги кунда мамлакатимизда айнан ўқувчилар учун мўлжалланган касб танлаш бўйича яхлит билим берадиган оммабоп адабиётларнинг кўпроқ яратилиши;

- Меҳрибонлик уйларидаги ўқитиш тизимида ўқувчини мустақил касб танлашига йўналтирилган махсус дастурлар киритилиши;

**TARBIYASI QIYIN O`SMIRLAR
BILAN ISHLASHDA SIZ QO`LLAYDIGAN
U S U L ?**

1. _____

2. _____

3. _____

4. _____

Kasbingiz _____

Tarbiyasi qiyin o`smirlar bilan ishlash davomida ruhiyatingizda qanday o`zgarishlar sodir bo`ldi?

- a) Ruhiy toliqaman, atrof-muhitga ta'sirchanman, doim asabiy kayfiyatdaman.
- b) Ko`pincha atrofdaagi o`smirlar xususan farzandlarimga ham tarbiyasi qiyin o`smir sifatida munosabatda bo`laman.
- c) O`zim bilan o`zim doim kurashaman. Kasbim va shaxsiy hayotimni yakka tartibda olib borishga harakat qilaman va bundan qattiq charchayman.
- d) Ba`zida bu kasbni tanlaganimda afsusdaman.

Sizningcha tarbiyasi qiyin o`smirlarning xususiyatlari nimalarda namoyon bo`ladi?

1. _____

2. _____

3. _____

4. _____

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.
Т.: Ўзбекистон 2011 й
- 2.Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Т: 1999. -184 б.
- 3.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломқда. –Т.: 1999.-50 б.
Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси- Т.: Ўзбекистон, 2012- 40 б.
4. Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997.-
64 б.
5. Каримов. И. А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008 -
176 б.
- 6.Ўзбекистон Республикасининг қонуни. “Вояга етмаганлар ўртасида
назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”.
Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 12 августда қабул қилинган. Сенат
томонидан 2010 йил 28 августда маъқулланган.// Қалқон.2010. № 10 Б- 2-13.
- 7.Bojovich L. “Lichnost i yee formirovanie v detskom vozraste.” М.1968 г.
- 8.Gaziev E.G. “Upravlenie uchebnoy deyatelnostyu shkolnikov”. Т.1986 г.
- 9.Gonobolin F.N. Kniga ob uchitele. М.1965 г.
- 10.Krutetskiy V.A. Psixologiya obucheniya i vospitaniya shkolnikov. М.1976 г.
- 11.PetrovskiyA.V. Vozrastnaya i pedagogicheskaya psixologiya. М.1979.
12. Xrestomatiya po vozrastnoy i pedagogicheskoy psixologii.М.1969 г.
13. A.I.SHerbakova. Praktikum po vozrastnoy i pedagogicheskoy
psixologii. Pod. red. М.1986г.
14. E.G`G`oziev. “O`quvchilarda umumlashtirish usullarini shakllantirish va
ularning aqliy taraqqiyoti.”. Т.1983 у.
15. E.G`G`oziev. “O`quvchilarning o`quv faoliyatini boshqarish” Т.1988 у.
16. E.G`G`oziev “Tafakkur psixologiyasi” Т.1990 у.
- 17.Г.Қ.Тўлаганова. Тарбияси қийин ўсмирлар психологияси.Т.Университет.
2005 й.
- 18.Рогов. Е.И. Настольная книга практического психолога. М.: 2004 г
19. Kaykovus "Qobusnoma". Toshkent, 1993.

20. Freyd Zigmund. Vvedeniye v psixoanaliz Leksii (Avtorq ocherka o Freyde F.V.Bassin i M.G.Yaroshevskiy) - M. Nauka 1991, 456s. (Seriya "Klassiki nauki")

21. K.Raximova, A.Abdullayeva. Tarbiyasi qiyin ўсмирлар. 2006 й.

1. www.ziyonet.uz
2. www.refaratlar.uz
3. www.kasu.uz
4. www.edu.uz